

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
З.М.БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК _____

Магистратура бўлими

“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Бўлим бошлиғи
Н.И.Асқаров Т.Т. Мадумаров

_____ 2015 йил

“ҲИМОЯГА ҚЎЙЛДИ”
Кафедра мудири

_____ 2015 йил

**«ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ҚУРИШДА
МАЪНАВИЙ-МАФКУРАВИЙ ОМИЛЛАРНИНГ ЎРНИ»**

МАВЗУСИДА

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Бажарди: Муталлибжонов Маъруфжон Муталлибжон ўғли

“Маънавият асослари” йўналиши магистранти

Илмий раҳбар: с.ф.д. проф. М. Қирғизбоев

АНДИЖОН – 2015

МУНДАРИЖА

КИРИШ	2-8
I-БОБ. ЖАМИЯТДА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТНИНГ ЎРНИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШГА ДОИР УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАР	9-26
1.1.Шарқ мутафаккирлари адолатли жамият куришда маърифат ва маънавиятнинг ўрни ҳақида.....	9-13
1.2.Жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида маънавият ва маърифатчиликнинг ўрни ҳақида ғарб талқинлари.....	14-21
II БОБ. ЖАМИЯТДА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ, МАФКУРА ВА МИЛЛИЙ ҒОЯНИ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ТАЛҚИНИ.	22-38
2.1.“Маънавият” ва “маърифат” тушунчалари ва уларнинг талқинлари.....	22-30
2.2.“Мафкура”, “Ғоя” ва “миллий ғоя” тушунчалари ва уларнинг талқинлари.....	31-38
III-БОБ. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ҒОЯВИЙ - МАФКУРАВИЙ ОМИЛЛАР	39-48
3.1.Ўзбекистонда фуқаролик жамиятига ўтишга доир ислохотлар жараёнлари ва унинг моҳияти.....	39-45
3.2.Маънавият ва маърифийлик фуқаролик жамияти куриш омили сифатида.....	46-48
ХУЛОСА	49-55
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	56-74

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президент И.А.Каримов мамлакатда фуқаролик жамияти қуришни асосий стратегик пировард мақсад сифатида эълон қилиши билан бир қаторда, бу соҳадаги эришилган натижаларни қуйидагича баҳолаган эди: **“Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариш, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда”**¹. Умуман, мамлакатда фуқаролик жамияти қуриш халқимизнинг миллий манфаатларига чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилишидан келиб чиқиб, бу соҳадаги ислоҳотларнинг ўзига хос “Ўзбек модели” шаклланди.

Мамлакатимиз ҳудудида яшаб ўтган буюк аجدодларимиз вакиллари Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий, Соҳибқирон Амир Темур кабилар ҳам адолатли ва фозил жамият қуришда маънавий ғоявий омилларнинг ўрнига доир йирик илмий мерос қодирганларки, уларни ҳозирги давр билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш долзарб вазифалардан бирига айланди. Улар фозил жамият қуриш учун қомил инсонни етиштиришнинг асосий омили сифатида миллий маънавият ва мафқуранинг ўрнини юқори баҳолаган эдилар.

Сиёсий ва бошқа гуманитар фанлар нуқтаи назаридан ҳали биз танлаган мавзуга доир йирик тадқиқотларни олиб борилмаганлиги ҳолати ҳам биз танлаган мавзунинг долзарблигини англайди.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь.-Тошкент: Ўзбекистон, 2010.-Б.42.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, ҳозирги даврда мамлакатда кучли фуқаролик жамияти куришда маънавият, мафкура ва маърифатнинг ўрни бекиёс даражада ортиб бормоқда. Фуқаролик жамияти барпо этиш ислохотларини янада чуқурлаштиришда фуқаролар ўртасида маърифий ва мафкуравий ишларни янада ривожлантиришга кучли эҳтиёжлар сезилмоқда. Шу билан бирга, мамлакатимиз ҳудуди атрофида турли диний ақидапарастлар теократик жамият ва халифалик давлати куришга доир мафкуравий ақидаларни илгари сураётган бир даврда бу каби қарашларнинг асосизлигини ҳам илмий жиҳатдан исботлаб беришга зарурият туғилмоқда. Шунинг учун ҳам биз ўз олдимизга “Фуқаролик жамиятини куришда маънавий-мафкуравий омилларнинг ўрни” мавзусида магистрлик диссертациясини ёзиш мақсад ва вазифаларини кўйдик.

Ишнинг тадқиқот объектини давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фуқаролик жамияти куриш соҳасидаги фаолияти, бу жамиятни куриш жараёнида хорижий тажрибалар, замонавий назариялар, Ўзбекистонда кучли жамият куриш жараёнида маънавий ва мафкуравий кадриятларнинг ривожланиб бориш жараёни ташкил этади.

Ишнинг тадқиқот предметини Ўзбекистондаги давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосидаги ислохотлардаги иштироки, бу жараёндаги маънавият ва миллий ғоянинг ривожланиб бориш жараёнлари. давлатнинг бош ислохотчи сифатида фуқаролик жамиятинини шакллантириш фаолияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Умуман, диссертациянинг асосий мақсади Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда мафкуравий ва маънавий-маърифий омилларни оширишни тадқиқ этиш масаласи кўйилган. Мазкур мақсаддан келиб чиқиб диссертациянинг қуйидаги вазифалари кўйилди:

-Шарқ мутафаккирларининг дунёвий давлат ва жамият куришда маънавият ва маърифатнинг ўрнига доир меросини илмий таҳлил этиш;

-Европадаги дунёвий давлат куришдаги маърифатчилик ғоялари асосчиларининг қарашларини ўрганиш;

-фуқаролик жамиятининг шаклланиш ва ривожланишида маънавият ва маърифатнинг ўрнини очиб бериш.

-миллий манфаатлар силсиласида фуқаролик жамиятини куриш мақсадларини асослаш;

-фуқаролик жамияти, маънавият ва мафкура: ўзаро уйғунлик ва хусусийлик характерларини ўрганиш;

-жамиятни демократлаштиришда маънавиятнинг ўрнини очиб бериш;

-фуқаролик жамиятида мафкуравий омилларнинг ролини тадқиқ этиш;

-мафкуравий ва маънавий омилларнинг фуқаролик жамиятини барқарор равишда яшашидаги аҳамиятини таҳлил этиш.

-диний мафкуралар ва ақидапарастлик: генезиси, шаклланиши ва ривожланишини тадқиқ этиш;

-диний ғоялар ва мафкураларнинг дунёвий фуқаролик жамияти учун зарарли жиҳатларини очиб бериш;

-Ўзбекистонда фуқаролик жамияти куриш ислоҳотларида маънавият ва миллий ғоянинг ўрнини ўрганиш;

-Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларда “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилининг моҳияти ва аҳамиятини тадқиқ этиш;

-Ўзбекистонда фуқаролик жамияти куришда миллий маънавият ва миллий истиқлол мафкурасининг ўрни таҳлил этиш;

-маънавият ва мафкуранинг дунёвий давлат ва кучли жамият куриш омили сифатидаги ўрнини илмий таҳлил этиш;

-диссертациядаги илмий таҳлиллар, хулосалар асосида ҳозирги даврда дунёвий жамияти куришда маънавий ва мафкуравий омилларнинг ўрнини оширишга доир фикр-мулоҳазалар ва таклиф ҳамда тавсияларни шакллантириш.

Тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси. Ватанимиз ҳудудида яшаб ўтган Шарқ мутафаккирлари дастлаб фозил жамият жамият қуришда маънавий жиҳатдан юксак бўлган комил инсонни шакллантириш, бу жараёнда маънавий ва мафкуравий омилларнинг ўрнига доир илмий мерос қолдирди. Шунингдек, фуқаролик жамияти барпо этишда дунёвийлик ва маърифийликнинг аҳамияти буюк алломалар томонидан чуқур тадқиқ этилди².

Ўзбекистонда мамлакатимиз ҳудудида яшаган ва ижод этган Шарқ мутафаккирлари асарлари мунтазам равишда нашр қилинмоқда. уларнинг маърифат ва дунёвий давлат ва жамият қуриш соҳасидаги илмий мероси, шу билан бирга, уларнинг бу соҳадаги қарашлари, маънавият ва маърифатга доир илмий мерослари ҳақида мамлакатимиз олимларининг қатор илмий изланишлари³ га доир тадқиқотларни амалга оширилган⁴.

Шу билан бирга, мамлакатимиздаги таниқли олимлардан А.А.Азизхўжаев, Ғайбулоҳ ас-Салом, Н.Комилов, Б.Қосимов, М.Имомназаров, У.Саидов каби мамлакатимиз олимлари ўз илмий ишларида⁵ дунёвий жамият қуришда маънавият, миллий ғоя ва маърифатчиликнинг ўрнига доир кенг таҳлилларни амалга оширганлар. Шунингдек, файласуф олим З.Мунавваровнинг⁶ мустақиллик йилларида дунёвий давлат қуришга доир қатор мақолалари эълон қилинди.

² Низомулмулк. Сиёатнома ёки Сияр улмулк.Т.:Адолат,1997; Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. -Т.:Халқ мероси нашриёти, 1993; Юсуф Хос Ҳожиб.Қутадғу билиг.Т.:Юлдузча, 1990.

³ Миллий истиқлол ғояси:асосий тушунчалар ва тамойиллар.(Изоҳли кўргазмали воситалар тўплами). -Т.:Янги аср авлоди, 2001; Маънавият юлдузлари.-Т.:А.Қодирий номли халқ мероси нашриёти, 1999; Искандаров Б. Ўрта Осиёда фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фикрнинг ривожланиши тарихидан лавҳалар. -Т.:Ўзбекистон, 1993; Комил инсон ҳақида тўрт рисола. Форс-тожик тилидан Н.Комилов таржимаси. -Т.:Маънавият, 1997; Мамашокиров С.,Тоғаев Ш. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари.-Т.:Маънавият, 2007.

⁴ Фитрат. Бедил.(Бир мажлисда).-Т.:А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996.

⁵ Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият.-Тошкент: Шарқ, 1997; Ғайбулоҳ ас-Салом. Фикр ва мантиқ. -Тафаккур, 2000, №2, 30-41-бетлар; Қосимов Б. Абдулла Авлоний. -Т.: Ўқитувчи, 1979; Қосимов Б. Маслакдошлар. Беҳбудий, Ажзий, Фитрат. -Т.:Маънавият, 1994.; Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-к.-Т.:Ёзувчи,1996; Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. -Т.:Шарқ,1996; Саидов У. Европа маърифатчилиги ва миллий уйғониш.-Т.:Академия, 2004.

⁶ Мунавваров З. Становление нового соотношения между светскостью и религиозностью в Республике Узбекистан. //Ислам и светское государство. Под.общей ред. З.И.Мунавварова и В.Шнайдер-Детерса. Материалы международной конференции.-Т.: Международный фонд Имама ал-Бухари и Фонд им. Фридриха Эберта, 2003, с.129-136; Он же. К вопросу о системе религиозного образования в Узбекистане (опыт, проблемы, рекомендации).//Там же, с.141-145.

Фуқаролик жамияти ва унинг институтлари фаолиятининг сиёсий жихатлари, бу институтларнинг шаклланиши ва ривожланишида давлат органлари амалга ошираётган ислохотларнинг ўрни ва ахамияти, шунингдек бу соҳадаги хорижий тажрибалар билан боғлиқ катор илмий тадқиқотлар сиёсатшунос ва ҳуқуқшунос олимлар -М. Қирғизбоев⁷, С. Жўраев⁸, Ш. Жалилов⁹, З. Исламов¹⁰ кабилар томонидан амалга оширилган.

Лекин, ҳозирга қадар Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуришда маънавий-мафкуравий омилларнинг ўрнига доир махсус илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги. Диссертацияда, авваломбор, Шарқ мутафаккирларидан Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Азизиддин Насафий, Алишер Навоий кабиларнинг фозил жамият қуришда маънавият ва маърифатнинг ўрнига доир илмий мероси, адолатли жамиятни шакллантиришда маънавият ва мафкуранинг ўрнига доир қарашлари тадқиқ қилинади.

Диссертация мавзуси талаблари асосида маърифатпарварларнинг адолатли жамият, маънавият, мафкура ва маърифат масаласига доир изланишлари, Миллий мустақиллик даврида Президент И.А.Каримов томонидан маънавият ва миллий ғояни ривожлантиришга доир назарий қарашлари, шунингдек фуқаролик жамияти қуришга доир илгари сурган ғоялари, шунингдек, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш жараёнларида маънавий-мафкуравий қадриятларнинг ривожланиш жараёнлари сиёсий фанлар нуқтаи назаридан тадқиқ этилади.

Тадқиқотнинг яна бир илмий янгилиги шундаки, унда Ўзбекистон мамлакати мисолида илк бор фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида

⁷ Қирғизбаев М. Фуқаролик жамияти институтлари Т; Академия, 2006; Фуқаролик жамияти; назария ва хорижий тажриба. Т; Янги аср авлод, .2006; Фуқаролик жамияти; сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар.-Т; Шарқ, 1998.

⁸ Жўраев С. Фуқаролик жамияти; назария ва амалиёт. Илмий таҳлилий мақолалар тўплами. –Т.:Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2003.

⁹ Жалилов Ш. Махалла янгилиниш даври. –Т.:Меҳнат,1995.

¹⁰ Исламов З. Фуқаролик жамияти; кеча бугун эртага -Т; Тошкент давлат юридик институти, 2002.

маънавий, мафкуравий ва маърифий омилларнинг ўрнига доир илмий тадқиқот олиб борилмоқда.

Тадқиқот услубияти ва услублари. Диссертацияда миллий мустақиллик даврида шаклланган ва ўзбек халқининг миллий манфаатлари ва орзуларини мужассам этган миллий истиқлол мафкураси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг тарих, миллий маънавий-маданий мерос ва умуминсоний кадриятларга доир асарлари услубий асос қилиб олинди.

Шунингдек, илмий ишнинг асосий услубий асоси сифатида Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”га доир маърузаси, “Юксак маънавият – енгилмас куч” ва бошқа асарлари олинди.

Тадқиқот усуллари. Диссертация илмий таҳлилларини амалга оширишда, унинг хулосаларини шакллантиришда тизимли ва тузилмавий, давлат институтларини тузилмавий-мақсадли тадқиқ этиш усулларидан фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Фуқаролик жамияти қуришга доир ислохотларни маънавиятни, миллий истиқлол мафкурасини ва маърифатни юксалтирмай туриб амалга ошириб бўлмайди. Диссертация материаллари ва ундаги илмий таҳлиллар аҳолини ижтимоий-маърифий фаоллигини ошириш соҳаларига тааллуқли бўлган давлат органлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ташкилотлари ходимлари ва фаолларига назарий жиҳатлардан ёрдам бериши мумкин. Шунингдек, диссертация материаллари тарихчилар, сиёсатшунос олимлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари, ҳокимликларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қиладиган бўлимлари хизматчиларига дунёвий фуқаролик жамияти қуришда мафкура, маънавият ва маърифатнинг ўрнига доир билимлар берувчи қўшимча илмий манба сифатида хизмат қилиши мумкин. Мазкур илмий тадқиқотимиз фуқаролик жамиятини барпо этиш ва

жамиятни эркинлаштириш соҳасида фаол иштирок этаётган ҳар бир фуқаро учун назарий жиҳатлардан ёрдам бериши кутилмоқда.

Тадқиқот материаллари, ундаги таҳлиллар, хулосалар, таклиф ва мулоҳазалар ҳозирги даврда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуришга доир назарий қарашларни бойитади, ҳозирги даврда шаклланган миллий мустақиллик ғоясини дунёвий фуқаролик жамияти қуришга доир янги тадқиқотлар билан тўлдиради, мамлакатда фуқаролик жамияти қуришга доир назарий қарашларни янада такомиллаштиришга, бу жараёнларда сиёсий мафкура ва маънавий кадриятларни фуқаролар дунёқарашига сингдиришга кўмаклашади, ёшларни баркамол инсонийлик ва дунёвийлик руҳида тарбиялашга доир манбалардан бири сифатида хизмат қилади. Шунингдек, диссертация материаллари шу соҳага доир тадқиқот билан шуғулланувчи магистрантларга, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ходимлари учун манба сифатида хизмат қилиши мумкин.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация “Кириш”, олтита параграфдан иборат учта боб, “Хулоса” ва “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”дан иборат. Ишнинг ҳажми 68 саҳифани ташкил этиб, уни ёзишда 80та турли манбалардан фойдаланилди.

I-БОБ. ЖАМИЯТДА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТНИНГ ЎРНИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШГА ДОИР УСЛУБИЙ ЖИХАТЛАР

1.1. Шарқ мутафаккирлари адолатли жамият қуришда маърифат ва маънавиятнинг ўрни ҳақида

Бугун юртимизда барча соҳаларда кенг миқёсли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ислоҳотларнинг бош мақсади эркин бозор муносабатларига асосланган очик, ҳуқуқий демократик давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, одамлар турмуш даражасини тараққий этган давлатлар даражасига кўтариш, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашидан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ноижорат ташкилотларини шакллантириш ва ривожлантириш истиқболлари ҳақида шундай дея таъкидлади: “Фуқаролик институтлари нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда”.¹¹ Эркин фуқаролик жамиятини қарор топтириш Ўзбекистон халқининг улуғвор мақсадларидан биридир. Конституциянинг мазмун ва моҳиятидан шу нарса қатъий аёнки, мамлакатимизда шакллантирилаётган жамият-демократия ва адолат тамойилларига таянувчи

¹¹ И.А.Каримов, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т: Ўзбекистон, 2010. 42-бет.

эркин инсонлар жамияти бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов шундай деган эди: «Биз фуқаролик жамияти куришга интиломқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожлана боргани сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир».¹²

Фуқаролик жамиятининг моҳиятини нима ташкил қилади, бу қандай жамият? Энг умумий тарзда лўнда таъриф бериладиган бўлса, **фуқаролик жамияти**-ижтимоий ҳаётнинг давлат таъсири ва аралашувидан, маъмурий таъйиқлардан ҳоли бўлган ҳамда инсонларнинг хусусий турмуш соҳасини ташкил этувчи муносабатлар мажмуидир.

Ҳозирги даврда фалсафий, сиёсий ва юридик адабиётларда фуқаролик жамиятини таъриф ва тавсиф этишига фаол ҳаракат қилинмоқда. Бу таърифлардан баъзиларини талқин этайлик.

Фуқаролик жамияти назарияси инсоният томонидан яратилган сиёсий қарашлар тарихи – жамият ва инсон, сиёсат ва давлат тўғрисидаги назарий қарашлар, шунингдек илк жамоалардан то ҳозирги давргача бўлган жамиятлар ривожланишининг тажрибаси асосида такомиллашиб борди. Шу билан бирга, фуқаролик жамияти унсурларининг назарий жиҳатлари бундан бир неча минг йил олдин кашф этилганлигига эътибор берилса, бу жамият инсоният яратган цивилизацияларнинг энг сўнги ҳосиласи ўлароқ шаклланганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Фуқаролик жамияти унсурлари, шунингдек фозил жамият куришга доир назарий изланишлар дастлаб Шарқ уйғониш даври мутафаккирлари томонидан амалга оширилган. Ҳозирги даврга келиб, Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамияти куриш ислоҳотларининг чуқурлашиб бориши миллий меросимизни ўрганишга бўлган эҳтиёжларни янада кучайтирди. Бунинг сабаби шундаки, биз қурмоқчи бўлган фуқаролик жамияти ривожланган мамлакатлар тажрибасидан андоза сифатида кўр-кўрона кўчириб олинмади,

¹² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболларининг асосий тамойиллари.- Т.:»Ўзбекистон», 1995, 14-бет.

балки бир неча минг йиллик миллий мерос ва тарихий тажрибаларимиздан келиб чиқиб белгиланди.

Форобийнинг фикрича, инсон ўз табиатига кўра ижтимоийдир ва фақат ўзаро боғлиқликда, жамоа бўлиб яшай олади. Чунки ҳар қандай инсон ўзининг оддий кундалик эҳтиёжларини қондириш учун у бошқаларнинг ёрдамига зарурат сезади, бошқалар ҳам худди шу каби ўзаро муносабатлар ўрнатишларига тўғри келади. Шундай қилиб, ҳаётини эҳтиёж инсонда жамоатчилик ҳиссини пайдо қилади ва ўзаро мулоқотни келтириб чиқаради. Форобий «Фозил одамлар шаҳри» номли рисоласида шундай ёзади: «Табиатига кўра ҳар бир одам шундай тузилганки, ўзининг яшаши ва мукамалликнинг энг юқори даражасига етиши учун унга жуда кўп нарсалар керак бўлади. Ваҳоланки, эҳтиёжидаги ҳамма нарсалар билан у ўзини ўзи таъминлай олмайди ва бунинг учун унга одамлар жамияти керак бўлади, жамиятдаги одамларнинг ҳар бири унга зарур нарсаларни етказиб беради.»¹³. Эътиборли томони шундаки, Форобийнинг фикрига кўра, жамоа бўлиб яшаганда одам нафақат ўзининг моддий эҳтиёжларини қондиради, балки «мукамалликнинг юқори нуқтасига» етишади, яъни бошқача қилиб айтганда, бирга яшаш, меҳнат қилиш жараёнида инсон руҳий қувват олади, мукамалашади ва ўз моддий ва маънавий қадриятларини шакллантириш услубларини такомиллаштиради.

Фуқаролик жамиятига хос илк қарашлар ва илмий ўрганишга доир услубий ёндашувлар бир неча асрлар давомида вужудга келди. Жон Локк ва Иммануил Кант каби файласуфлар ҳам «фуқаролик жамияти» деганда, аввало, «давлат»ни тушунишга мойил бўлдилар. Аммо бора-бора фуқаролик жамияти билан мутлақ давлат институтлари ўртасидаги тафовут кўзга яққолроқ ташланаверди. Томас Гоббс, Жон Локк, Шарл де Монтеске каби олимлар жон-жаҳдлари билан ҳимоя қилган индивидуализм концепцияси эса кун тартибига жамиятнинг эркин фуқароси, шунингдек, шахс эркинлиги масаласини қўйди. Фуқаролик жамияти тўғрисидаги мавжуд концепциялар

¹³ Абу.Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри.Тошкент. 1993.

Ўзига кўплаб мураккаб муаммолар тизимини қамраб олди. Бу назарияларни, уларнинг методологик манбалари ва тарихий йўналишини тадқиқот жараёнидагина англаш мумкин.

Фуқаролик жамияти инсоният цивилизациясининг маҳсули ҳисобланади. Фуқаролик жамияти мураккаб тузилишга эга бўлган жамият.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамиятини қуриш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Эркин фуқаролик жамияти қонун устувор, ижтимоий адолат ҳукмрон бўладиган, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий ўринга кўтарилган жамиятдир. Биз қураётган эркин фуқаролик жамиятининг мазмун моҳияти Президент И.Каримов томонидан шундай таърифланади: «Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига қўмақлашади»¹⁴.

Фуқаролик жамияти жамиятнинг муайян шакли, кўринишини ифодалайди. «Фуқаролик жамияти», «фуқаролик» тушунчаларига қадимдан кўп омиллар ўз муносабатларини билдирганлар. Чунончи, Юнон файласуфи Аристотель ўзининг «Сиёсат» асарида фуқаролик жамияти масаласига алоҳида тўхталган ҳамда грек полисларини фуқаролик жамиятининг ўзига хос модели, деб билган. У фуқаролик жамияти, деганда бахтли ҳаётни таъминлайдиган жамиятни тушунган. Бундай жамиятни бошқаришда давлат қонунларининг тўғри, адолатли бўлиши, давлатнинг халқ манфаатлари йўлида хизмат қилиш зарур, деб ҳисоблаган ўз даврида Абу Наср Фаробий «Фозил одамлар шаҳри» асарида «фозил шаҳар» ғоясини илгари суради. «Фозил шаҳар» олим идеалидаги фуқаролик жамияти эди.

Фаробий идеал жамият – фозил шаҳар деганда адолатли, кишиларнинг самарали меҳнати, илм соҳибларининг ақл-заковатлари, ҳаётий тажрибалари юксак қадрланадиган жамиятни тушунган. Бундай шаҳарда маърифат, илм-

¹⁴Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т., «Ўзбекистон», 1997 йил, 173-бет.

фан ривожланади, инсон камолоти таъминланади, инсонлар ўзаро ҳақиқат яшайдилар. Тенгҳуқуқлик ва еркинлик салтанади ҳукмронлик қилади. Орзудаги жамиятда давлат бошликлари ўз фаолиятларида адолат, тенг ҳуқуқлилиқ, фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб иш тутадилар.

. Фуқаролик жамияти муаммосига оид қарашлар И.Кант, Гегель, Руссо фалсафий қарашларнинг муҳим томонини ташкил этади. Кант орзу қилган идеал жамият ҳолати – бу жамият аъзолари ўртасидаги тинч-тотувлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатликдир. Идеал жамиятда еркинлик муҳим аҳамиятга эга. Сиёсий еркинликнинг асосий шarti – бу жамият аъзоларининг қонун олдидаги тенглиги. Кант тенглик деганда мутлоқ тенгликни назарда тутмайди. Насл-насабгаалоқадор имтиёзларни баратараф етиш лозимлиги ҳақида фикр юритади. Унингча, кишиларни мутлоқ тенгликда сақлашга уриниш ижтимоий адолацизликдан бошқа нарса емас.

Янги давр фалсафасида фуқаролик жамияти муаммосига франсуз мутафаккирлари кўп эътибор берганлар. Шулардан бири – Жан Жак Руссо дир. (1712-1778) у ўзининг «Ижтимоий шартнома ёки сиёсий ҳуқуқ тамойиллари» деб, номланган машҳур асарида фуқаролик жамиятини тузиш асосларини қараб чиқади ва ўзаро тенглик, ҳуқуқ-қоида, меъёрларига ҳурмат, халқ манфаатлари масаласига эътибор қаратади.

Жан Жак Руссо ижтимоий тенгсизликка идеал давлат ва жамиятни қарор топтириш йўлидаги энг асосий тўсиқ, деб билади. У ўрнининг «Тенгсизликнинг келиб чиқиш сабаблари» асарида тенгсизликнинг келиб чиққан сабабларини таҳлил қилар экан, унга тарихий ҳодиса сифатида ёндашади. Жамиятдаги кузатиладиган турли нуқсонларнинг бош манбаи – тенгсизлик. Руссонинг фикрича, жамиятнинг бойлар ва қамабағалларга бўлинишини бартараф етиш орқали ижтимоий тенгликни таъминлаш мумкин.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб «фуқаролик жамияти» тушунчаси ер юзи бўйлаб кенг тарқалди. Ҳозирги даврда ҳам бу тушунча кўплаб мунозараларга мавзу бўлмоқда.

1.2. Жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида маънавият ва маърифатчиликнинг ўрни ҳақида ғарб талқинлари

Инсон ва жамият ҳаётида муҳим ўзгаришларни амалга оширишда муайян ғоялар алоҳида ўрин тутди. Жамият тараққиётининг маълум даврларда тезлашуви, секинлашуви, жамият ҳаётида ижобий ёки салбий ҳолатларнинг рўй бериши жамиятда қандай ғоялар ҳукмронлик қилиши, улар қандай кучларни ҳаракатга келтириши, кимларнинг, яъни қайси бир ижтимоий қатламнинг манфаатларига хизмат қилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

“Ғоя” категориясининг моҳияти ҳақида гап кетганда инсон ўзининг онги, ақл-заковати, иймон-этикоди ва ижодий меҳнати билан бошқа жонзотлардан фарқ қилади.

Инсон тафаккури воқеликни идрок этиш мобайнида турли фикрлар, қарашлар, ғоялар ва таълимотлар яратади. Демак, **биринчидан**, ғоя инсон тафаккурининг маҳсулидир. **Иккинчидан**, ғоя олдин мавжуд бўлмаган, ўзида янгиликни ташувчи хусусиятга эга бўлган фикрдир.

Учинчидан, ғоя олдин пайдо бўлади, ундан кейин ғоялар асосида мафкура, мафкура асосида тизим, сиёсат пайдо бўлади.

Илмий-фалсафий адабиётларда “ғоя”, “мафкура”, “идея” ва “идеология” тушунчалари ишлатилмоқда. Идея ва идеология кўпроқ ғарб давлатларида ҳамда рус тилидаги манбаларда учрайди. “Идея” ибораси юнон тилидаги “idea” сўзидан олинган “идеология” сўзи учун ўзак бўлиб ҳисобланади. Мафкура” категорияси арабчадаги “муфаккур”, “муфаккиратун” сўзлардан олинган бўлиб, чуқур маъноли, теран мазмунли деган маънони англатади. Мафкура тушунчасини таърифлашда фалсафий адабиётлар, луғатларда бир қанча фикрлар берилган. Мафкура тушунчасига файласуф олимлар томонидан берилган таърифлар шакл ва мазмун жиҳатдан бир хил.

Мафкурага жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадий, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар ғоялар мажмуасидир – деб

таъриф берилади. Демак, мафкура – муайян ижтимоий гуруҳ ёки қатламнинг, миллат ёки давлатнинг жамият эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий ривожланиш тамойилларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш усул ва воситалар тизимидир.

Ҳар қандай назария ва таълимот бир тизимга солинган ғоялар мажмуидан иборат бўлади. Шу сабабли дунёқарашнинг асосини ва муайян ишонч-эътиқоднинг асосини ҳам ғоялар ташкил этади.

Одамлар, ижтимоий синф ва қатламларнинг, миллат ҳамда давлатларнинг манфаатлари ва мақсадлари ҳам ғояларда ифода этилади. Ўз олдига қўйган мақсади қандай жамият қурмоқчи экани, бунга қандай йўллар билан эришмоқчи бўлаётгани ҳақидаги ғоялар тизими ҳар бир миллат, халқ ва жамиятнинг миллий мафкурасининг асосини ташкил этади.¹⁵

“Ғоя” ва “мафкура” тушунчалари бир-бирига яқин бўлсада, уларни айнанлаштирмаслик керак.

Биринчидан, мафкура ғояга нисбатан мазмун жиҳатдан кенгрок тушунчадир.

Иккинчидан, ҳар қандай мафкурада ижтимоий воқеликни сақлаб қолиш ёки ўзгартиришга қаратилганлик, яъни мақсадлар ботиний эмас, балки зоҳирий таркибда мавжуд бўлишини ва мафкуранинг ўзагини ташкил этишини таъкидлаш, жоиз.

Учинчидан, ҳар қандай ижтимоий ғоя фақат маълум бир мафкура доирасидагина ўзининг уюштирувчилик ва сафарбарлик салоҳиятини, жозибадорлик кучини намоён қила олиши мумкин.

Президент И.Каримов жамият мафкурасига шундай таъриф берган: “Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир

¹⁵ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари. Т. 2001 й.

ғояни мен жамият мафкуриси деб биламан”¹⁶ Бинобарин, миллий мафкура хар қандай халқни-халқ, миллатни-миллат қиладиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ-равшан чароғон этадиган маёқдир.

Президент И.А.Каримов ўз асарларида нафақат "Маънавият" тушунчаси, унинг моҳиятини замонавий тушунчаларини асослаб берди, балки унинг томонидан ишлаб чиқилган маънавиятга доир назарий қоидалар бу соҳадаги илмий ишларни янада чуқурлаштиришнинг методологик асоси бўлиб хизмат қила бошлади. Албатта, бунинг қуйидаги иккита сабаби мавжуддир:

Биринчидан, Президент И.А.Каримов Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин нафақат мамлакатда, шунингдек, бутун МДХ, мамлакатлари раҳбарлари орасида дастлаб "маънавият" тушунчасини ҳам илмий истеъмолга, ҳам жамиятдаги муносабатларда қўллашга киритди ва унинг жамият ва инсон камолотидаги ўрнини илмий асослаб берди, амалиётда ўз самарасини беришига эришди;

иккинчидан, Президент И.А.Каримов мамлакатда олиб бориладиган ислохотларни маънавий соҳда олиб бориладиган ислохотлар билан узвий уйғунликда олиб бориш зарурлигини илмий асослади ва унга ўзи шахсан бошчилик қилди.

Президент И.А.Каримов маънавиятнинг жамият тараққиёти ва комил инсонни тарбиялашдаги ролини айрим давлатлар раҳбарлари ва олимларидан олдинроқ кўра билди. Бу мустақил ва янги тараққиёт йўлига кираётган мамлакатдаги маънавий юксалиш учун катта назарий ва амалий аҳамият касб эта бошлади. Умуман олганда, айтиш мумкинки, Президент И.А.Каримов томонидан "маънавият" тушунчасига берилган таъриф тўла қонли илмий таъриф бўлиб, унинг моҳиятини очиб бера олади.

У "Маънавият-инсонни рухан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг

¹⁶ Каримов И. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т. 1999 й. 7-жилд. 89-бет

барча қарашларининг мезонидир"¹⁷, - деб таъкидлайди. Бу таъриф ўзининг мазмуни ва мохияти билан "маънавият" тушунчасининг барча жихатларини ўзида ифода этади. Унда инсоннинг ички рухий оламини ифодаловчи барча унсурлар талшга этилади ва унинг инсон маънавий баркамоллигини таъминлашдаги қудратли куч эканлиги очиб берилган.

Президент И.А.Каримов "маънавият" тушунчасига таъриф беришда унинг жамият тараққиётидаги ўрнини эътиборга олади ва уни юксалтириш зарурияти вазифасини қўяди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маънавиятни шахс, миллат, давлат ва жамиятни ривожлантирувчи қудратли куч сифатида шаклан ва мазмунан уйғун ҳолатда ўрганиш фақат мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейингина бошланди. Маънавиятни бу шаклда ўрганиш эса ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, мустақиллик шароитидаги миллий тафаккуримиз тараққиётда янги йўналишдир. Бу йўналишнинг пайдо бўлиши ва унинг концептуал ғояларини назарий жихатдан ишлаб чиқиш Президент Ислоҳ Каримов номи билан боғлиқдир. Унинг асарлари, рисолалари, маърузаларида "маънавият" тушунчасининг мохияти очиб берилган. Бу маънавиятни мустақил омил сифатида ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки ҳар қандай илгари сурилаётган ғояларнинг мохияти очиб берилмас экан, унинг жамият тараққиётида миллат ва шахс камолотидаги ролини белгилаш мумкин бўлмайди.

Президент И.А.Каримов миллий тараққиётимизнинг дастури даражасига айланган биринчи китоби — «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида маънавиятнинг инсон ҳаётидаги муҳим аҳамиятини очиб бериб, шундай деб ёзган эди: "Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Сахродаги сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек, инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчилик билан маънавият чашмасини излайди"¹⁸.

¹⁷ Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: "Маънавият", 2008, 19-бет.

¹⁸ Каримов И. А. Ўзбекистан: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: "Ўзбекистон", 1993, 1-ж, 78- бет.

Мамлакатда ўтказилаётган ислохотлар ва унинг вазифаларини белгилаб беришда Президент И.А.Каримов маънавиятни ривожлантириш масаласига тўхталар экан, кўйидаги фикрни билдиради: “Моддий ислохотлар, иқтисодий ислохотлар — ўз йўлига. Уларни хал қилиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин, аммо маънавий ислохотлар - қуллик, мутелик исканжасидан озод бўлиш, қаддини баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга ворис бўлиш - бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ, бу дунёда”¹⁹.

Бу билан Президент И.А.Каримов ўтказилаётган ислохотлар қувват оладиган сарчашмаларни миллий-маънавий тикланиш ташкил қилишини очиб берди. Уларнинг бу ғояларига мувофиқ қуллик, мутелик исканжасидан озод бўлган, ўзининг қимлигини англаган, миллатининг ўзлигини қодир бўлган инсонгина мамлакат тараққиётга ўз хиссасини қўшиши мумкин.

Президент И.А.Каримовнинг "маънавият" тушунчаси мазмунини очиб берар экан: “Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни- қўшнилар, халқ, мустикал давлатимизга садоқат, инсонларга хурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик — маънавиятнинг маъноси ана шундай кенг”²⁰, - деб таъкидлайди.

Маънавият ўз-ўзидан шаклланадиган ходиса эмас, балки у, аввало, ҳар бир инсоннинг ички маънавий салоҳиятини шакллантириш йулида барча моддий ва маънавий бойликларни ўзлаштириш, Ватан ва миллат манфаатлари йўлида ҳалол, фидойилик билан меҳнат қилиш жараёнида шаклланади. Шу маънода ҳам Президент И.А.Каримов “Маънавият - тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қул билан меҳнат қилиши керак”²¹ лигини очиб беради. Қўриниб турибдики, Президент И.А.Каримов маънавий қадриятларга “тайёр” ҳолатда қарамайди. Уни шакллантириш ва

¹⁹ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: "Ўзбекистон", 1993, 1-ж, 202-бет.

²⁰ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: "Ўзбекистон", 1993, 1-ж, 78- бет.

²¹ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: "Ўзбекистон", 1993, 1-ж, 79- бет.

ривожлантириш, миллатнинг чинакам мулкига, тараққиёт омилига айланиши учун инсонлар фидойилик кўрсатиш зарурлигини таъкидлайди.

Президент И.А.Каримов асарларида кунт билан ўрганиб борар эканмиз улардаги маънавиятни юксалтиришга доир назарий ишланмалар унинг дастлабки асарларда илгари сурилган ғоялари кейинги асарларида изчиллик билан ижодий ривожлантирилганлиги, мазмунан ва мохиятан бойитилганлигига гувоҳ, бўламиз. Мухими шундаки, маънавиятга доир назарий тушунчаларни бойитиш жараёнида жамият ва миллатимиз тараққиётида содир бўлган ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда юзага келган янги муаммоларни ҳал этишнинг назарий асослари ҳам белгилаб берилганлигини крамиз. Шунингдек маънавиятни жамиятни ривожланишидаги муҳим роли ҳақида Президент И.А.Каримов томонидан келтирилган қуйидаги фикрлари мохиятини англаш, уни бевосита ҳар бир ватандошимизнинг кундалик бурчи ва вазифасига айлантириш миллатимиз ва мамлакатимиз тараққиёти учун муҳим амалий аҳамиятга эгадир. “Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол, амалга оширилаётган ислохотларимизнинг самарадорлиги, аввало халқ маънавиятининг тикланиши, тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи билан узвий боғлиқдир”²².

Фуқаролик жамияти деганда – мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига иқтисодий ва сиёсий турмушини ўз ихтиёри асосида қуришга тўла еркинликни кафолатловчи маълум ижтимоий тизим назарда тутилади. Фуқаролик жамиятида давлат фаолияти юзасидан фуқароларнинг назорати ўрнатилади, давлатнинг кўпгина функциялари фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига ўтади.

Фуқаролик жамияти - давлатдан мустақил ва ундан ҳоли муносабатлар ва воситалар тизими бўлиб, у шахс ҳамда жамоатларнинг ижтимоий,

²² Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: "Ўзбекистон", 1993, 1-ж, 18-бет.

маданий, маърифий ҳаёт соҳаларидаги хусусий манфаат ва эҳтиёжларини амалга оширишга шароит яратади.

Президент И.А.Каримов, ўз навбатида, миллий ғоянинг вазифаларини аниқ белгилаб беради: "... миллий ғоя биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олийжаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур"²³. Мамлакатимиз бугунги кунда тоталитар тузум ҳукумронлигидан озод бўлиб демократик жамият қуриш сари дадил қадам ташламоқда. Табиийки, жамият бир босқичдан иккинчисига ўтиш, яна боз устига зўравонлик асосида қурилган жамиятдан маърифатли, инсон манфаатлари, шахс эркинлиги ва камолотига хизмат қилувчи демократик жамиятга ўтиш осон кечмайди, чунки эски тузум иллатлари хали сақланиб туради. Ўз умрини узайтириш учун жон жаҳди билан қаршилик кўрсатади, янги жамият эса қисқа муҳлатда қурилмайди, балки маълум вақтни, унда яшаётган барча инсонларнинг фидойилик билан меҳнат қилишларини талаб этади.

Президентимизнинг яна куйидагиларга эътиборни қаратган эди: «Биз учун фуқаролик жамияти-ижтимоий-макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга сҳиқисҳига кўмакласҳади. Аини вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилисҳига йўл қўйилмайди. Я`ни ва қонунга бўйсунисҳ бир вақтнинг ўзида амал қилади».²⁴

Мамлакатимизда ана шу юксак муаммоларни ҳал этиш жараёнларини муваффақиятли ҳал этишда эртанги кунимиз давомчилари бўлган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказишимиз зарур. Шунинг учун ҳам Президент И.А.Каримов оғир иқтисодий муаммоларни ҳал этиш жараёнлари мураккаблигига қарамасдан кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб

²³ Каримов И.А. Миллий истиклол мафқураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. -Т.: "Ўзбекистон", 2000, 15-бет.

²⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломқда: хавфсизликка таъшид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: «Ўзбекистон», 1997, 173-бет.

чиқиш, уни қабул қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш масаласини асосий вазифа сифатида белгилаб берди ҳамда уни изчиллик билан амалга оширишга раҳбарлик қилмоқда. У мазкур дастурнинг ахамияти ҳақида тўхталиб: «Лўнда қилиб айтганда, бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислоҳотларимиз, режаларимизнинг самарали тақдири — буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли, мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз»,²⁵ - деб таъкидлайди.

²⁵ Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. -Т.: "Шарк", 1999, 9-бет.

II БОБ. ЖАМИЯТДА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ, МАФКУРА ВА МИЛЛИЙ ҒОЯНИ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ТАЛҚИНИ.

2.1. “Маънавият” ва “маърифат” тушунчалари ва уларнинг талқинлари.

Мустақиллик йиллари жамиятнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш юзасидан салмоқли ишларни амалга ошириш даври бўлди, дейишга барча асослар бор. Давлатимизнинг ушбу масалада махсус Миллий Дастур қабул қилиб, уни амалга ошириб келаётганлиги, мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида юз бераётган туб демократик ўзгаришлар, ижобий савобли ишлар халқимизнинг онги-тафаккурининг кенгайишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “...янгилашиш жараёнлари туфайли бугун одамларимизнинг онгу-тафаккури, уларнинг Ватан тақдирига, ён-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга муносабати тубдан ўзгармоқда. Юртимизда юксак маънавий фазилатлар, демократик қадриятлар мустаҳкамланмоқда, энг муҳими, аҳолимизнинг амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланишларга дахлдорлик ҳисси, мамлакатимизнинг келажагига бўлган ишончи ортиб бормоқда”²⁶. Айни пайтда ушбу мураккаб жараён осон ва силлиқ кечмайди, чунки “... жамият тафаккурини бутунлай янгилаш бир-икки йиллик иш эмас, у узоқ ва узлуксиз давом этадиган жараён”²⁷. Шу боис жамиятнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш вазифаси ва шу масалага бағишланган илмий изланишлар долзарб ҳисобланади. Ўтган йиллар давомида ҳуқуқий ислоҳотлар йўналишида қанча ишлар амалга оширилмасин, бу борада қилинши лозим бўлган ишлар кўлами янада кенгайиб бормоқда. Бунга сабаб қилиб жамиятимиз ҳуқуқий жиҳатдан янги бсқичга кўтарилган ва давлатимиз ҳуқуқий соҳаси энг ривожланган давлатлар қторидан жой олаётганини

²⁶ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: “Маънавият”, 2008. –Б.100

²⁷ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: “Маънавият”, 2008. –Б.100-101

кўрсатиш мумкин. Биз ҳуқуқий маданият тушунчасини англаб етишимиз учун аввало, ҳуқуқий онг тушунчасини англашимиз керак. Ҳуқуқий онг инсоннинг ўзи маърифат ва маънавият даражасига таянган ҳолда жамиятда амал қилаётган ҳуқуқий талаб ва нормаларнинг мазмунини тушуниш ва моҳиятини англашидир. Демак, жамият аъзоларининг ҳуқуқий онги юксак билиши учун улар маърифатли ва юксак маънавият эгаси бўлишлари зарурдир. Хусусан юксак маънавиятнинг асосий мезонларидан бири бўлган Она-Ватанга бўлган муҳаббат туйғулари етук маърифатчилардан бири бўлган Абдулла Авлоний асарларида ўз ифодасини топган. Абдулла Авлоний аждодларимиз маънавий меросининг: “Киши ўзгалар юртида султон бўлгунча, ўз юртингда чўпон бўл”, деган буюк нақлга амал қилиб, ҳар бир халқнинг, ҳар бир миллатнинг Ватанига муҳаббат туйғусини қадрлайди: “Биз туркистонликлар ўз Ватанимизни жондан ортиқ севганимиз каби араблар Арабистонларини, унинг кумлик, иссиқ чўлларини, эскимослар шимол тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларини бошқалардан зиёд севадилар”,²⁸ - деб ёзади. Маърифатчилар асарларида, миллатни улуғлаш, инсоний муносабатларни қадрлаш, ҳалоллик, эътиқодлилиқ, Ватан манфаатлари йўлида фидойилиқни тараннум этиш ғоялари ўз ифодасини топган. Бу ғоялар ўзининг юксаклиги халқимиз онгига ижобий таъсирини ўтказиб келмоқда. Форобийнинг фикрига кўра, қонун ва ахлоқ қоидалари ўз аҳамияти жиҳатидан ажралмасдир. Қонунларни жорий қилишда ва тарбия жараёнида мажбурлаш усулларини қўллашни ҳам инкор этмайди. Жиноят ва жазо масалалари ҳақида фикр юритар экан, Форобий уларни иккига: **бўйсунмаслик** ва **жиноят** («қонун томонидан ёқланмаган ҳаракатни содир этиш»)га бўлади²⁹

Бу ерда Форобий маъмурий ва жинойий жазони ажратишга ҳаракат қилади. Жазо қонунга мувофиқ ва қонун асосида бўлиши керак. «Энг катта жинойят раҳбар шахс томонидан содир этилган жинойятдир. Бу ҳолатда бошқа ҳукмдорлар қонун-қоидалар талаби асосида уни тарбиялашга ва унга таъсир

²⁸ Абдулла Авлоний. Гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1992, 28-бет.

²⁹ Ал-Фараби. Историко-философские трактаты. Алма-Ата.: Наука. 1985. с.191

Ўтказишга ҳаракат қилишлари керак. Агар бу эътибордан четда қолиб кетса, шаҳарнинг таназулга юз тутишига ва бузилишига олиб келади.^{30[19]}

Ушбу ғояларга кўра, жиноятчи ўз вақтида жазоланмаса, халқнинг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишда давом этаверса, бу давлатга, давлат бошлиғига ишончсизликни келтириб чиқаради ва натижада халқ бош кўтариб чиқиши, бу эса давлатнинг инқирозга юз тутишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боисдан, қонунга амал қилмаган фуқаро хоҳ у оддий шахс, хоҳ, мансабдор шахс бўлсин, қонун олдида жавоб бериши лозим. Ҳозирги кунда айнан мана шу борада қатор камчиликлар мавжуд бўлиб, президентимиз томонидан таҳлил қилинган ва асослаб берилган: “Эл ишониб топширган вазифани суистеъмол қиладиган, шахсий манфаатини халқ манфаатидан устун биладиган, ўзига ортиқча бино қўйиб, барчанинг нафратини кўзгатадиган раҳбарлар билан асло келиша олмаймиз. Одамлар ишончидан маҳрум бўлган бундай кимсалар ўрнини бўшатиб бериши керак. Уларни қонун асосида жавобгарликка тортиш лозим”³¹ - дея таъкидлайди президентимиз И. Каримов. Ҳуқуқий онгнинг юксаклиги шахсни фуқаролик жамиясининг тўлақонли аъзоси ва ҳуқуқий демократик давлатнинг ҳақиқий фуқароси бўлиши учун камлик қилади. Бунинг учун инсон ҳуқуқий маданиятли инсон бўлиши ҳам зарур. Шахснинг ҳуқуқий маданияти деганда фуқариларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳуқуқий онгига таянган ҳолда озгалар манфаатига зид келмайдиган тарзда амалга ошириш тушинилади. “Юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб келмоқда”³². Давлатимиз аҳолининг, айниқса биз ёш авлоднинг, юксак ҳуқуқий маданият соҳиби бўлиб, давлатимизнинг ҳақиқий фуқароси, баркамол шахс сифатида камолга етишимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шунинг учун фарзандларимизни қонунларни билиши ва англаши учун таълим-тарбиясига эътиборни қаратишимиз керак.

³⁰ Ал-Фараби. Историко-философские трактаты. с192.

³¹ И. Каримов, “Адолатли жамият сари”. 1998й. 99-б.

³² Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 7-8бетлар

“Тарбиядаги ютуқ турмуш тарзига боғлиқлигини, агар жамиятда тегишли қонунлар мавжуд бўлса, унда тўғри тарбия амалга ошиши мумкинлигини, шунинг учун бу қонунларга риоя қилишимиз ва шахсни ҳар томонлама гармоник (уйғунлик) руҳда тарбиялашимиз лозимлигини уқтиради.³³ Демак, адолатли жамиятда инсон — шу жамият фуқаросининг ҳуқуқи, шаъни, кадр-қиммати кадрланади, қонун-қоидалар воситасида қаттиқ ҳимоя қилинади. Ва бу табиийки, ўз-ўзидан ёхуд дарров пайдо бўлмайди.

Форобий таъкидлаганидек, “Инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар, Натижада инсон жамоаси вужудга келди”.³⁴ Инсоннинг хатти-ҳаракати, феъл-атвори шахсда ўз ифодасини топади ва шу билан бирга жамиятда инсон у ёки бу ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиши натижасида шахсга айланади.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг таъсирли воситасини барпо этиш, халқаро ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари ва республика фуқароларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида 1996 йилнинг 31 октябрь кунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини тузиш тўғрисида” ги Фармони эълон қилинди. Фармонга биноан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази давлатга қарашли таҳлил қилувчи, маслаҳат берувчи, идоралараро ва мувофиқлаштириш органи ҳисобланади.

Фуқаролик жамияти-давлатдан мустақил ва ундан ҳоли муносабатлар ва воситалар тизими бўлиб, у шахс ҳамда жамоатларнинг ижтимоий,

³³ Арасту. .Поэтика. Ахлоқи кабир. Т., Янги аср авлоди. 2004.75-101 бетлар.

³⁴ Форобий ҳикматлари. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1993 йил Б-186.

маданий, маърифий ҳаёт соҳаларидаги хусусий манфаат ва эҳтиёжларини амалга оширишга шароит яратади.

Фуқаролик жамияти аксарият ҳолларда инсонларнинг хусусий манфаат ва эҳтиёжлари соҳаси тарзида таърифланади. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг асосий кўпчилик қисми мана шу хусусий ҳаёт соҳасида рўёбга чиқарилади. Бироқ бу шахсларнинг ижтимоий ҳаётдан ажралиб қолганлигини, бегоналаштирилишини англамайди.

Фуқаролик жамияти-шахсларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки улар ўртасидаги ранг-баранг алоқалар, ҳамкорлик, ҳамжиҳатликнинг ифодасидир. Мазкур муштараклик ва ҳамжиҳатлик ташкилий-институсиявий кўринишга эга бўлиб, у турли ижтимоий кучлар, нодавлат ташкилотлар, бирлашмалар мавжудлиги билан тавсифланади.

Президент И.Каримов таъкидлагани каби: “Ўз ҳаётини, олдига қўйган мақсадларини аниқ тасаввур қила оладиган, ўз келажаги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя, миллий мафқурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Мафкура бўлмаса ҳар қайси давлат ва жамият, қолаверса, ҳар қайси инсон ўз йўлини йўқотиши муқаррар”.³⁵ “... Мустақилликка эришганимиздан сўнг биз сохта мафқуранинг якка ҳокимлигидан қутулдик. Маънавиятни, мафқурани зуғумлардан озод қилиб, эркин фикрга, миллий тафаккурга кенг йўл очдик. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида истиқлол билан боғлиқ бўлган қатор муаммоларни ҳал этишда олимларни, зиёлиларни, барча илғор кучлар ва ёшларни сафарбар эти шва уюштиришда мафқуравий ишларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Баркамол инсонни маънавиятини шаклланишида қонун устуворлиги алоҳида аҳамият касб этади. 1991 йилнинг 20 ноябрида “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Мазкур қонун бош ислохотчи бўлган давлатнинг ёшлар масаласига доир асосий стратегик йўналишлардаги фаолиятини изчил

³⁵ Каримов И. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т. 2000 й

ва тизимли равишда босқичма – босқич амалга оширишга имконият яратиб берди. Ёшларнинг билим даражаси, касбий малакаси, маънавий ва рухий баркамоллик каби фазилатлари ва ижтимоий сифатлари бутун жамиятнинг ривожланиш даражасига салмоқли таъсир кўрсатмоқда.

Ёш авлодга бўлган муносабатдаги туб ўзгаришларни Президентимиз қуйидагича баҳолайди: ёшлар билан ишлаш масалалари алоҳида эътиборни талаб қилади. Бугун ёшларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини янада юксалтириш ўта муҳим масаладир. Шу боисдан ҳам ҳозирги даврда улғайиб келаётган ёш авлоднинг муаммоларини ўрганиш ва шу аснода уларнинг ечимини топишга бўлган эҳтиёжлар тобора ортиб бормоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсати ҳақидаги қонунда ёшлар сиёсатини амалга ошириш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи эканига, бу борада миллати, ирқи, тили, дини, жинси, маълумоти ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, давлат томонидан ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шарт – шароитлар яратилишига эътибор қаратилди.

Мазкур қонуннинг яна бир диққатга сазовор томони шундаки, унда ёшларимизнинг пухта билим олиши билан бир қаторда халқаро майдондаги фаоллиги ва иштирокини таъминлаш, шунингдек, вояга етмаган, боқувчисини йўқотган ёш ҳамда кўп болали оилаларни ижтимоий иқтисодий жихатдан муҳофаза қилиш, истеъдодли ёшлар орасидан алоҳида ёрқин иқтидор эгаси бўлганларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш каби масалалар аниқ белгилаб қўйилди.

Бугунги кунда бутун дунёда ўзбек модели сифатида тан олинган тараққиёт жараёнининг асосий тамойиллари – яъни, иқтисодиётнинг сиёсатдан холи экани, давлатни бош ислоҳотчи бўлиши, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат, ислоҳотларни тадрижий асосда босқичма – босқич амалга ошириш кенг жамоатчиликка маълум. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан жамият тараққиётига жорий қилинаётган ушбу тамойиллар юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни туб асосини ташкил қилади.

Президент И.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарининг “Ислохотлар ва уларнинг маънавий мезони” – деб аталган бўлимида: “Жамият ҳаётида шундай даврлар бўладики, ўз умрини яшаб бўлган эски тузум қонун – қоидаларини янгича асосда ўзгартириш, барча соҳаларда кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш зарурати энг муҳим эҳтиёж, керак бўлса, ҳаёт – момот масаласи сифатида кун тартибига чиқади” деб таъкидлаган эди.

Албатта бу қонунларнинг ишлаб чиқилиши ва ҳаётга тадбиқ этилиши муайян халқнинг давлатчилиги ва қонунчилиги тарихига бориб тақалади. Қадимий манбалар тарихчи ҳуқуқшунос олимлар томонидан батафсил ўрганилганлиги натижасида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалиб, ривожланган демократик давлатларга ҳамоҳанг суратда бойиб бормоқда.

Таълим тарбия жараёнида талабаларга Ўзбекистон тарихи фанидан сабоқ беришда Қадимги Турон қонунчилиги тарихини чуқурроқ ўргатиш муҳим аҳамият касб этади. Қадимги Турон заминида қонунчилик маданияти милоддан аввалги 3-4 минг йилликлардаёқ шаклланган. Турон замини қонунчилик тарихига бой бўлиб, бу заминда энг қадимги қонунларнинг намуналари, диний – ҳуқуқий таълимотлари, мактаблари ва оқимлари пайдо бўлган. Бизнинг аجدодларимиз маънавияти диний ва дунёвий қарашларининг уйғунлиги асосида шаклланган. Қонунга, давлат ва сиёсатга эътибор Марказий Осиё халқларида қадим замонлардан юксак бўлганлигини, ёшлар масалаларига тегишли қонун – қоидаларни ҳам ўзида мужассамлаштирганлигини кўрамыз. Марказий Осиё халқларининг қадимги қонунчилик маданиятини ўрганишда дунё қонуншунос олимлари томонидан тан олинган манба “Авесто” китобидир. Авесто китобида диний, дунёвий, ахлоқий қонун-қоидалар билан бирга жиноят ва жазо каби масалаларга оид қонунлар ҳам битилган. Ушбу қонунчилик манбасида оиланинг поклиги, оилада бола тарбияси, оилавий турмушнинг мустаҳкамлиги ва муқаддаслиги масалалари атрофлича таъкидланган. Ислом динининг Марказий Осиёга

кириб келиши билан Самарқандда, Тошкент, Марғилон, Бухоро каби шаҳарларда фикҳ илми ғоят ривожланиб, Мовароуннаҳр фикҳшунослари “Қуръони карим” ҳамда “Хадис” ҳуқумлари ва қоидаларига асосланган ҳолда шариатни ривожлантирадиган қонунлар тизимини янада мукаммаллаштиришдилар. Бу ўлкада қонунчилик маданиятини ривожлантирган муҳим манбалардан яна бири “Темур тузуклари”дир. Темур тузукларида давлатни қонун – қоидалар билан идора этиш санъати акс эттирилган. Биринчи навбатда давлатни дин ва шариат қонунлари билан, жамиятни эса 12 табақа ва тоифага бўлиб идора қилиш усули билан бошқарилган. Биз қонунчилик маданияти тарихидан яна кўп далиллар келтиришимиз мумкин. Жамиятда қонуннинг устуворлиги ҳуқуқий маданият билан мустаҳкамланиши, фуқароларнинг унга манфаатли ёки манфаатли эмаслигидан қатъий назар қонунга риоя этилишидир. Бу ҳуқуқий билим ва қонунга асосланган ахлоқийликка киради. Етарлича ҳуқуқий маданиятга эга бўлган инсон қонун устуворлигини таъминлашда фаол бўлади.

Ўзбекистоннинг асосий қонуни бу Конституциядир. Чет эл мамлакатларининг ва халқаро ташкилотларнинг мутахасислари бизнинг конституциямизни энг илғор, прогрессив қонунлар сарасига киришини таъкидламоқдалар. Қонунлар, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маданият ҳақида гапирар экан, Форобий бутун бошли бир тизимни яратади. Бусиз фозил шаҳарни тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Ҳуқуқ ва ҳуқуқий тарбияда ижтимоий тараққиёт, иқтисодий ва маънавий муваффақиятнинг асослари ётади. Форобий қонуннинг устуворлигини ижтимоий юксалишнинг асоси деб тасаввур этади. Бу эса, ўз навбатида мукаммал, юксак маънавий талабларга жавоб берадиган, ижтимоий муносабатларнинг турли соҳаларини ҳуқуқий жиҳатдан бошқарадиган меҳан-низм сифатида юзага чиқиши лозим.

Тарбия борасида Форобий оиланинг, жумладан, отанинг ролини алоҳида таъкидлайди. Айнан болаликда оилада ижтимоий қонун-қоидаларга муносабат шаклланаётган пайтдан бошлаб ижтимоий ҳуқуқий маданият асослари яратилади. Форобий сиёсий-ҳуқуқий тарбиянинг асосий

категорияси сифа-тида ақл, ақлга интилиш, тарбиялилик, адолатпарварлик, фозиллик, ботирлик кабиларни илгари суради. Ақл – бу саховатдир. «Тарбия ақлни пайдо қилади, - дейди Форобий, - кимда тарбия бўлмаса, қусур-ларни ижобий хусусият сифатида қабул қилади, тарбияли киши бўлса, фақат фозилликни улуғлайди. Қонун саховат томон йўлдир, шу туфайли тарбияни мустаҳкамлаш учун барча имкониятларни сафарбар қилиш лозим».³⁶

Форобийга кўра, сиёсий-ҳуқуқий муносабатлар тизимида тарбия бахт ва фозилликка эришишнинг асосий омилидир. Энг аввало, ҳукмдорнинг ўзи тарбияланган бўлиши керак, акс ҳолда давлат ёки шаҳар таназзулга юз тутди.

Мухтасар қилиб айтганда қонун ва қонунчилик маданиятига риоя қилиб яшаш баркамол авлод келажагини ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш муваффақиятини таъминлайди.

³⁶ Аль-Фараби. Историко-философские трактаты. С.165.

2,2, “Мафкура”, “Ғоя” ва “миллий ғоя” тушунчалари ва уларнинг талқинлари

Ҳар бир халқнинг салоҳияти аввало унинг маънавий камолоти, ақл-заковати, куч-қудрати ва бунёдкорлик даҳоси билан белгиланади. Шунинг учун янгиланаётган жамиятимизда соғлом авлодни тарбиялаш, эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш, маънавий-маърифий ишларни юксак даражага кўтариш орқали комил инсонларни вояга етказишда юксак эътибор берилмоқда. Ватанимизда соғлом авлод ҳаракатининг кенг тус олгани, кадрлар тайёрлаш миллий дастурлари асосида таълим-тарбия тузумининг тубдан ислоҳ этилаётгани ҳам ана шу улғувор мақсадни амалга ошириш йўлидаги муҳим қадамлардир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2005 йил 7 февралда ҳукуматнинг янги таркиби олдида сўзлаган нутқида “ ... бугун замон шиддат билан ўзгараяпти, аммо бизнинг онгимиз, дунёқарашимиз жуда секинлик билан ўзгараяпти. Мени ташвишга соладиган, керак бўлса, қийнайдиган оғир муаммо ана шу”³⁷, деб ташвишланиб айтган фикрлари бевосита аҳолининг ҳуқуқий онига ҳам тааллуқлидир, чунки ҳуқуқий онг инсон онги ва дунёқарашининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Шу боис, бугунги кунда жамиятнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, ҳуқуқий онг шаклланишига мамлакатимизда илдиз отаётган демократик кадриятларнинг таъсири, ўрни ва ролининг назарий жиҳатларини тадқиқ этиш нафақат илмий, балки амалий аҳамиятга моликдир. Ҳуқуқий онгнинг шаклланишида демократик кадриятларнинг роли ва таъсири мураккаб жараён бўлиб, у ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “яъни, содда қилиб айтганда, одамларнинг дунёқарашини, эътиқод ва тафаккурида демократик тамойиллар ва демократик қарашларнинг кенгайиши ва мустаҳкам ўрин топиши авваламбор ҳаётнинг табиий юриши билан, уларнинг моддий турмуш даражаси ва маданий савияси тобора ривожланиши ва юксалиши

³⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. –Б.70

билан чамбарчас боғлиқ эканини ҳаётнинг ўзи тақозо этади”³⁸. Форобий сиёсий-ҳуқуқий тарбиянинг асосий категорияси сифа-тида ақл, ақлга интилиш, тарбиялилик, адолатпарварлик, фозиллик, ботирлик кабиларни илгари суради. Ақл – бу саховатдир. «Тарбия ақлни пайдо қилади, - дейди Форобий, - кимда тарбия бўлмаса, қусур-ларни ижобий хусусият сифатида қабул қилади, тарбияли киши бўлса, фақат фозилликни улуғлайди. Қонун саховат томон йўлдир, шу туфайли тарбияни мустаҳкамлаш учун барча имкониятларни сафарбар қилиш лозим».³⁹ Форобийга кўра, сиёсий-ҳуқуқий муносабатлар тизимида тарбия бахт ва фозилликка эришишнинг асосий омилидир. Энг аввало, ҳукмдорнинг ўзи тарбияланган бўлиши керак, акс ҳолда давлат ёки шаҳар таназулга юз тутди. Ушбулардан келиб чиққан ҳолда, Форобийнинг фикрига кўра, тарбия жараёнида айрим мажбурлаш усуллари, хусусан, ишонтириш ёки манфаатдорликни уйғотиш кабилардан фойдаланиш маъқул. Акс ҳолда жамиятда қулларча бўйсунуш ҳолати пайдо бўладики, бу ҳам охир оқибатда жамиятни емиришга олиб келади. Инсон маданияти фозилликнинг уч тури бўлган **муҳаббат, тарбия** ва **ақлга** таянади. Бу ғояларнинг барчаси нафақат «Афлотун «қонунлари»нинг Моҳияти» асарида, балки «Фуқаро сиёсати», «Давлат арбобининг тузуклари (афоризми)», «Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари» каби асарларида ифодаланган. Тарбия инсоннинг ижтимоий жиҳатдан ўз-ўзини англаши учун асос бўлиб хизмат қилиши керак. Форобий фикрига кўра, кишиларда туғма қусурларнинг бўлиши мумкин эмас ёки таълим-тарбия бериш-нинг имконияти бўлмаган кишилар мавжуд эмас. Шу нуқтаи назардан у тарбияни мажбурий ва ихтиёрий равишда иккига бўлади. Икки хил кишилар борки, уларнинг айримлари ихтиёрий равишда қонунга бўйсунадилар ва бундан лаззатланадилар. Бошқа тур кишилар эса, жазоланишдан қўрқиб, ўз хоҳиш иродаларига қарши турган ҳолда қонунларга бўйсунадилар. «Фозиллик» ва «ўз-ўзини тийишлик» қонунлар ва тарбия таъсирининг натижасидир. Ҳам

³⁸ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Тошкент: “Маънавият”, 2008. –Б.101

³⁹ Аль-Фараби. Историко-философские трактаты. С.165.

биринчи, ҳам иккинчи ҳолатга тўғри келмайдиган кишилар шаҳардан қувғин қилинадилар.

Жамият ҳаёти ривожланиб, фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий савияси ортиб борган сайин жамиятдаги қонун ҳужжатлари, меъёрий ҳужжатлар ҳам албатта шунга мос равишда ўзгартирилиб, ривожлантирилиб борилади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида, демократик йўлга эндигина ўта бошлаганимизда, очиғи, халқимизнинг ҳуқуқий-сиёсий саводхонлиги, демократик жамиятга кўникиб кетиш қобилияти ҳали тўла шаклланмаган эди. Бунга эса ўша собиқ тоталитар тизимнинг ёпиқ системасига асосланиб, инсон эркинлиги ва ҳурфикрлигига йўл берганлигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Давлат бошқарувида сиёсий партияларнинг ролини оширишга хизмат қилувчи конституциявий қонун, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши ҳам шулар жумласидандир. Шу каби омиллар ва сабаблар асосида Ўзбекистонда ўтадиган сайловлар янада такомиллашиб, унда иштирок этувчи сиёсий партиялар ўртасидаги рақобат кучайиб, бу рақобат уларнинг фаолиятини янада жонланишига сабаб бўлмоқда. Фуқаролик жамиятини маънавий ривожлантиришда сиёсат ва ҳуқуқнинг уйғунлиги катта аҳамият касб этади. Инсоният ўзининг узок тарихи мобайнида ҳали кўпчилик орзу қилган ҳуқуқий – демократик давлат, одил фуқаролик жамиятининг мукамал шаклини ярата олгани йўқ. Демократия тамойилларини қарор топтириш чиндан ҳам мураккаб масала. Айниқса, бу узок вақт тоталитар тузум асоратида яшаган ва ҳали унинг иллатлардан буткул қутула олмаган жамиятда янада мураккаброқ кечади. Фуқаролик жамиятига ўтиш, бу кўп босқичли, ҳам сертармоқли жараён дир. Фуқаролик жамияти – ижтимоий ҳаётнинг давлат таъсири ва аралашувидан, маъмурий тазйиқлардан ҳоли бўлган ҳамда инсонларининг хусусий турмуш соҳасини ташкил этувчи муносабатлар мажмуидир. Фуқаролик жамияти чуқур маънавий, юксак маданий инсоний муносабатлар замирига таянади. Бу жамиятнинг маънавий ҳаётида бир нарса устуворлик қилади, яъни инсон бениҳоя даражада улуғланади, умумисоний қадриятлар эъзозланади, улар

муътабар ва муқаддас саналади. Бунда инсоннинг кадр – қиммати, меҳр – оқибат, ахлоқий поклик, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби олий кадриятлар инсонлар ўртасидаги муносабатларни белгиловчи мезондир.

Фуқаролик, адолатли жамият тушунчалари яхлит, бир бутун тушунчалардир. Инсон ҳуқуқи давлат ҳуқуқидан устуворлиги тамойили биз учун асосий омилга айланиши лозим. Демак, адолатли жамиятда инсон — шу жамият фуқаросининг ҳуқуқи, шаъни, кадр-қиммати кадрланади, қонун-қоидалар воситасида қаттиқ ҳимоя қилинади. Ва бу табиийки, ўз-ўзидан ёхуд дарров пайдо бўлмайди.

Шахс билан жамият, давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўғрисидаги муаммо энг мураккаб ижтимоий масалалардан биридир. Инсон жамоа таъсири жараёнида ўз шахсиятини шакллантира боради, яъни ижтимоий муносабатларда иштирок этади. Шахснинг инсон сифатида жамиятда тутган ўрни, инсоний хислатлари, кадриятлари ҳақида жуда қадимдан буюк мутаффакирлар, алломалар, донишмандлар ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирганлар. Улар инсон дунёда чексиз ҳурмат ва эҳтиромга лойиқ эканлигини ёқлаб чиққанлар. Форобий таъкидлаганидек, “Инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар, Натижада инсон жамоаси вужудга келди”⁴⁰.

Инсоннинг хатти-ҳаракати, феъл-атвори шахсда ўз ифодасини топади ва шу билан бирга жамиятда инсон у ёки бу ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиши натижасида шахсга айланади. Фалсафий нуқтаи назардан шахс бир инсоннинг жамиятдаги ўрнини билдиради. Инсоннинг шахс сифатида шаклланиши жамиятга боғлиқ бўлади, шунингдек жамият тараққиёти ҳам шахснинг амалий фаолияти билан узвий боғлиқдир.

⁴⁰ Форобий ҳикматлари. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1993 йил Б-186.

Форобий тарбия жараёнида кўр-кўрона ёдлашга қарши туради. «Қонунларнинг моҳияти ва фазилати мантикий ўрганиш ва таълим орқали амалга оширилади. Халқ ушбу қонунларга бўлган эҳтиёжини чуқур ўрганиши керак. Ҳамда биринчи навбатда, қонунларнинг моҳиятини билиши керакки, охир оқибатда ана шу қонунлар уларнинг ўзларига фойда келтиради»⁴¹. Шу ерда Форобий болалар ўйинлари ҳақида тўхталиб, бу жараёнда уларнинг ҳаётий тажрибалари ошишини таъкидлайди. Сиёсий ва ҳуқуқий тарбия жараёнида «давлат ишлари, уларнинг тўғри ёки нотўғрилигини баҳолашни ўз ичига оладиган» машғулотлар бўлиши керак. Тарбияланувчи сабр-қаноатли ва тиришқоқ бўлиши, ўз устида мунтазам ишлаши, ўзини назорат қилиши, таълимни тўхтатмаслиги, ўз билими ва маҳоратини узлуксиз ошириб бориши керак бўлади. Форобийнинг фикрига кўра, инсонда ҳам ақлий, ҳам (ноақлий) ҳайвоний ибтидолар мужассам. Форобий инсонлик моҳиятини лаззатланиш ва севинч ҳисларини ўз ичига олган устувор куч деб атайди. Инсон ҳуқуқлари бу – жамиятнинг энг асосий олий қадрияти, ҳимматидир. Шунингдек, муҳим конституциявий институт ҳисобланиб, бутун инсониятларнинг интилишлари, орзу умидлари ва ҳозирги замон тараққиётининг асоси ва давр талабидир. Ҳар қандай давлатнинг мукаммал ривожланишини аниқлаш унда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига қанчалик риоя қилинаётганлигига, умуминсоний қадриятларнинг қарор топишига, демократик тамойилларнинг амалга ошишига қараб белгиланади.

Инсон табиатнинг буюк ва бетакрор неъмат соҳиби ўз онгига эга бўлган мавжудотдир. У ўз хатти-ҳаракатлари учун жавоб бера олади ва бошқаради. Ҳуқуқ инсон хатти-ҳаракатларини тартибга солувчи нормалар йиғиндисидан иборат. Ахлоқ – инсоннинг жамиятдаги хулқини тартибга солувчи усуллардан биридир. Ахлоқ ҳам инсон томонидан амалга ошириладиган яхши хатти-ҳаракатлар йиғиндиси ҳисобланади. У ижтимоий

⁴¹Аль-Фараби. Историко-философские трактаты. С.148.

ҳаётнинг барча соҳалари – меҳнат, маиший турмуш, оила, сиёсат, халқаро муносабатлар ва бошқаларга алоқадор.

“Бугун Ўзбекистондаги ҳар бир виждонли инсоннинг муқаддас бурчи **мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва уни химоя қилишдир**. Бир вақтлар оташин шоиримиз А.С.Чўлпон “Юринг, дўстлар, халқ ичига борайлик!” деб хитоб қилган эди. Бугун ҳар қандай сиёсий партия номига эмас, балки чинакам фаолият кўрсатишни хоҳласа, бўлгуси сайловларда ўз тарафдорларини, жамиятда етакчи мавқени қўлга киритмоқчи бўлса, агар унинг аъзолари ўзини шу азиз Ватаннинг асл фарзандлари деб билса, халқ ичига бориши, жамиятнинг турли қатламлари орасида истиқлолни мустаҳкамлаш, уни бало-қазолардан, ёвуз назарлардан, ёмон кўзлардан сақлаш учун кечаю кундуз тиним билмай ишлаши керак”⁴²

Ўзбекистонда ислоҳ қилинаётган сиёсий тизимда амалга оширилаётган кенг миқёсли янгиланишлар жараёнида “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтарилаётган оммавий ахборот воситаларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бинобарин, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари қатори оммавий ахборот воситаларига ҳам янгича, яъни демократик муносабат вужудга келди. Бунинг боиси шунда эдики, Ўзбекистонда қурилаётган ўзига хос, ўзига мос янги жамият оммавий ахборот воситалари олдида янги вазифалар кўймоқда эди.

Яъни, бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча оммавий ахборот воситалари олдидаги долзарб вазифалардан бири бу, янги жамиятнинг моҳияти, юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар мазмуни ҳақида оммага тўлиқроқ тушунча бериши ҳамда миллий истиқлол ғоясини халқимиз орасида, айниқса ёшларимизнинг баркамол бўлиб вояга етишлари йўлида янада кенгроқ тарғиб қилишлари, энг муҳими мустақилликдек муқаддас қадриятни асраш, авлодларга етказиш ва демократик жамият

⁴² Ислон Каримов. Биз келажакни ўз қўлимиз билан курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти. 1999 йил. 311 бет.

қуриш ҳамда унинг равнақи учун фаол бўлиш зарурлигини ҳар бир фуқаро онгига етказишдан иборат эди.

Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаб айтадики: “... ахборот оламидаги устунлик кўп нарсани ҳал этадиган бугунги вазиятда мустақил онг ва мустақил фикрга эга бўлган шахсни тарбиялаш масаласи нафақат маънавий, керак бўлса муҳим сиёсий аҳамият касб этади.

Бу ўта муҳим вазифани амалга оширишда таълим-тарбия тизими, ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий масалалар билан шуғулланадиган идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар ўз хиссасини кўшиши табиий, албатта, лекин бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсир кучи бекиёс десак ҳеч қандай муболаға бўлмайди”⁴³

Фаробий тарбия жараёнида кўр-кўрона ёдлашга қарши туради. **«Қонунларнинг моҳияти ва фазилати мантиқий ўрганиш ва таълим орқали амалга оширилади. Халқ ушбу қонунларга бўлган эҳтиёжини чуқур ўрганиши керак. Ҳамда биринчи навбатда, қонунларнинг моҳиятини билиши керакки, охир оқибатда ана шу қонунлар уларнинг ўзларига фойда келтиради»**⁴⁴. Шу ерда Фаробий болалар ўйинлари ҳақида тўхталиб, бу жараёнда уларнинг ҳаётий тажрибалари ошишини таъкидлайди. Сиёсий ва ҳуқуқий тарбия жараёнида «давлат ишлари, уларнинг тўғри ёки нотўғрилигини баҳолашни ўз ичига оладиган» машғулотлар бўлиши керак. Тарбияланувчи сабр-қаноатли ва тиришқоқ бўлиши, ўз устида мунтазам ишлаши, ўзини назорат қилиши, таълимни тўхтатмаслиги, ўз билими ва маҳоратини узлуксиз ошириб бориши керак бўлади. Фаробийнинг фикрига кўра, инсонда ҳам ақлий, ҳам (ноақлий) ҳайвоний ибтидолар мужассам. Фаробий инсонлик моҳиятини лаззатланиш ва севинч ҳисларини ўз ичига олган устувор куч деб атайди.

Сиёсий нуқтаи назардан баҳолаганда фуқаролик жамиятидаги сиёсий тизим ва сиёсий бошқарувнинг мазмун-моҳиятини ҳуқуқий давлатчилик ифода этади. Бошқача айтганда, ҳуқуқий давлат фуқаролик жамиятининг

⁴³ Ислоҳ Каримов. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти. 2009 йил. 9 бет

⁴⁴ Аль-Фараби. Историко-философские трактаты. С.148.

сиёсий моҳиятини, сиёсий шаклини ташкил этади. Бу икки ҳодисанинг ўзаро муносабати шакл билан мазмуннинг ўзаро алоқадорлигини акс эттиради. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, фуқаролик жамияти тўла маънода мавжуд бўлишининг шак-шубҳасиз шарти ҳуқуқий давлатнинг мавжудлигидир. Ва, аксинча, ҳуқуқий давлат фақат фуқаролик жамиятидек ижтимоий маконда қарор топиши ва фаолият юритиши мумкин.

III-БОБ. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ҒОЯВИЙ - МАФКУРАВИЙ ОМИЛЛАР.

3.1. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятига ўтишга доир ислохотлар жараёнлари ва унинг моҳияти.

.Мустақиллик туфайли мамлакатимизда эркин, демократик, фуқаролик жамияти билан боғлиқ устувор вазифа белгилаб олинди. Жамиятимиз ҳаётида маънавиятга таянилган ҳолда муҳим бунёдкорлик ишлари амалга ошира бошланди. Шу ўринда, миллий ғоя, миллий мафкура, унинг жамият маънавий ҳаётида тутган ўрнини мустаҳкамлаш зарурлиги борасида давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрини келтириб ўтиш жоиз: “Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда”⁴⁵. Дарҳақиқат, ижтимоий-сиёсий жараёнлар жадал ривожланаётган бугунги кунда фуқаролар мафкура ва ғоя борасида кучли ҳимояга эга бўлиши лозим. Инсон қалби, онги ва маънавиятига таъсир қилувчи ахборотлар, уларнинг хуружи, униб-ўсаётган авлодни ғарб маънавиятидаги қусурлардан асраш, уларнинг тарбияси жамиятдаги энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолди. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “...мафкуравий хуружлар миллий ва диний томирларимизга болта уришини, улардан бизни бутунлай узиб ташлашдек ёвуз мақсадларни кўзлашини, ўйлайманки, юртимизда яшайдиган соғлом фикрли ҳар бир одам яхши тушунади”⁴⁶. Бундай хуруж ва маънавий тажовузларга қарши туриш учун ҳам миллий ғоя ва мафкуранинг тарихий асослари, назарий ва методологик негизларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, маънавий қашшоқ миллат ҳеч қачон миллат иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тараққиётга эриша олмайди. Маънавият ҳар қандай

⁴⁵ Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Миллий ғоя: назарий манбалар. –Т.: Akademiya, 2007. –Б. 274.

⁴⁶ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.14

тараққийнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. Чунки, маънавият қанча юксак бўлса, жамият ҳаётини ташкил этиш ва инсон фаровонлиги ҳам шу даражада юксак бўлади. Фақат маънавий юксалиш натижасидагина инсон ҳам, кенг маънода миллат ҳам ўз ҳаётининг мазмун-моҳиятини тушуниб етади, ўз меҳнатини фаровонлик ҳамда тараққий омилига айлантиришга эришади. Шунинг учун ҳам Президент И.А.Каримов маънавиятни ислох қилишни биринчи даражали вазифа сифатида кун тартибига қўймаган эди. Фуқаролик жамияти чуқур маънавий, юксак маданий инсоний муносабатлар замирига таянади. Бу жамиятнинг маънавий ҳаётида бир нарса устуворлик қилади, яъни инсон бениҳоя даражада улуғланади, умуминсоний қадриятлар эъзозланади, улар мўтабар ва муқаддас саналади. Бунда инсоннинг кадр-қиммати, меҳр-оқибат, ахлоқий поклик, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби олий қадриятлар одамлар ўртасидаги муносабатларнинг белгиловчи мезони сифатида майдонга чиқади. Демократик ислохотлар даврида маънавиятни юксалтиришга асосий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, маънавият-инсоният ички дунёсининг кўзгуси, тафаккури, онги ва фикр юритиш тарзининг мазмун-моҳиятини акс эттирувчи юксак ижтимоий қадриятдир. Инсоният ҳамиша эзгуликка, маънавий баркамолликка интилиб яшайди. Юртимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг муваффақияти, мамлакатнинг яқин келажакдаги истиқболи ҳамюртларимиз қандай мавқени эгаллашига, қанақа маданий-маънавий ва ахлоқий қадриятларни шиор қилиб олишига боғлиқ бўлади.⁴⁷

Фаробийнинг қонунга бўйсунуш ва маънавият борасидаги фикрлари ҳам диққатга сазовордир. Улуғ нарсаларга ва эҳтиросларни бўйсундиришга интилан киши аҳмоқона ишлар билан шуғулланмайди. Ахлоқий фозиллик, Фаробий фикрига кўра, йиллар давомида шаклланадиган одатдир. Бу адолат, донишмандлик, мардлик ва ҳоказоларга бўлган одатлардир. «Агар инсонда туғма кибр-ҳаво ва такаббурлик каби хусусиятлар бўлмаса-да, барибир у ўз қалбини машқ қилдириши керак, чунки инсонда ўз севиқли кишининг кўп-

⁴⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари-Т: «Ўзбекистон» 1998, 397-бет.

гина жиноятларини сезмаслик сингари туғма хусусият мавжуд-дир».⁴⁸ Бу ерда Форобий инсоннинг ўз хисларини тутта билиши, ҳиссиётни ақлга бўйсундириши, бир сўзлилик ҳақида фикр юритади. Инсондаги ҳиссиётни тутта билиш қобилияти унинг фазилати сифатида улуғланиши керак.

Форобий жамиятда қонун устуворлигига эришиш учун ҳуқуқ ва ҳуқуқий тарбияга катта аҳамият берган мутафаккирдир. Чунки айнан ҳуқуқ ва ҳуқуқий тарбияда ижтимоий тараққиёт, иқтисодий ва маънавий муваффақиятнинг асослари ётади. Форобий қонуннинг устуворлиги ижтимоий юксалишнинг асоси деб тасаввур этади

Зеро, бугунги кунда адолатли ва қатъиятли, жонкуяр ҳоким-у амалдорлар, шу юрт келажаги ва халқ фаровонлиги учун масъулиятли раҳбар ходимларга эга бўлиш давр талабидир. Президентимиз айтиб ўтганидек, **“Агар мендан бугунги ҳаётимизда аниқ сиёсатимизни ўтказишда энг оғир муаммо нима, деб сўрашса, аввало шу сиёсат учун, керак бўлса жонини фидо қиладиган раҳбарни, жонкуяр ижрочиларни топиш, деб жавоб берган бўлар эдим. Энг муҳим вазифа – шундай одамлар сафини кенгайтириш, ҳар қайси соҳада, бошқарувда, тармоқларни идора этишда, туман, қишлоқ ва маҳаллаларни бошқаришда ана шундай фидойи ва жонкуяр одамларни топиб, жой-жойига қўйишдан иборатдир”**.⁴⁹

Дарҳақиқат, жамиятни, давлатни бошқариш, халққа раҳнамолик қилиш – энг оғир, ўта мураккаб ва масъулиятли, айна пайтда шарафли вазифадир. Жамият ҳаётида фаол иштирок этиш сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда бевосита қатнашиш, раҳбарлик лавозимларида ишлаш жараёнида инсоннинг нечоғлик маънавиятли-маърифатлилиги, иймон-эътиқодлилиги, сўз ва иш бирлиги, ҳалол-у поклиги, халқпарвар ва ватанпарварлиги, ички дунёси орқали намоён бўлади. Ўтмиш аждодларимизнинг маданий ва маънавий бойлиги чуқур мушоҳада этилиб ижтимоий онгимизга

⁴⁸ Аль-Фараби. Историко-философские трактаты. С.178.

⁴⁹ И. А. Каримов. “Маънавий юксалиш йўлида”, Т. “Ўзбекистон” 156-б.

сингдирилмоқда, шу орқали биз барпо этаётган янги фуқаролик жамияти манфаатларига хизмат қилмоқда. Биз шунчаки демократик жамият эмас, балки одил демократик жамият барпо этмоқдамиз. Давлатчилигимиз адолат тамойилларига таянади. **«Адолатга интилиш-халқимиз маънавий-рухий дунёсига хос энг муҳим хусусият. Адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимига сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши керак»⁵⁰.**

Президент И.А.Каримов асарларида кунт билан ўрганиб борар эканмиз улардаги маънавиятни юксалтиришга доир назарий ишланмалар унинг дастлабки асарларда илгари сурилган ғоялари кейинги асарларида изчиллик билан ижодий ривожлантирилганлиги, мазмунан ва моҳиятан бойитилганлигига гувоҳ, бўламиз. Муҳими шундаки, маънавиятга доир назарий тушунчаларни бойитиш жараёнида жамият ва миллатимиз тараққиётида содир бўлган ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда юзага келган янги муаммоларни ҳал этишнинг назарий асослари ҳам белгилаб берилганлигини кўрамиз. Шунингдек маънавиятни жамиятни ривожланишидаги муҳим роли хақида Президент И.А.Каримов томонидан келтирилган қуйидаги фикрлари моҳиятини англаш, уни бевосита хар бир ватандошимизнинг кундалик бурчи ва вазифасига айлантириш миллатимиз ва мамлакатимиз тараққиёти учун муҳим амалий аҳдмиятга эгадир.

Президент И.А.Каримов маънавиятнинг моҳиятини очиб бериш билан бир вақтда бу соҳада амалга оширилиши керак бўлган ислохотларнинг стратегик йўналишларини ҳам белгилаб беради. Жумладан, у "Фидокор" газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида қуйдагиларни таъкидлайди: "...авваламбор ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида уэлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-

⁵⁰Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари-Т. «Ўзбекистон», 1998, 399-бет.

авайлаш ва хурмат қилиш фазилатларини қарор топтириш, уларнинг, мен ўзбек фарзандиман, деб гурур ва ифтихор билан яшашига эришишдир"⁵¹.

Мустақиллик даврининг ҳар бир босқичида Президент Ислам Каримов асарлари ва маърузаларида "маънавият"нинг моҳияти, унинг жамият тараққиётида ва инсон камолотида тутган ўрнига доир ғоялари янада ривожланди. Президент И.А.Каримов маънавиятга нисбатан жамият барча соҳаларда содир бўладиган ўзгаришларнинг манбаи сифатида қараб келди. Шу билан бирга, маънавиятни мамлакат ёшларига қарши қаратилган турли хуружлар ҳамда ёвуз кучлардан ҳимоя қилишда қудратли куч эканлигига эътибор қаратади. У "бундай бало-казоларга" қарши курашда, фарзандларимизнинг маънавий дунёсини ҳимоя қилишда нималарга таянишимиз зарур? Аввало тўғри тарбия, соғлом турмуш ғояси, фақатгина қаттиқ ирода ва иймон-этикод ҳисобидан бунга эришиш мумкин", деб таъкидлайди. Бундай вазифани амалга оширишнинг асосий имконияти ёшларимиз онги ва қалбига маънавиятимизнинг битмас-туганмас бойликларини етказиш ҳисобланади. Маънавий-маданий савия паст бўлган жамиятда адолат тантанаси ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Биз барпо этаётган фуқаролик жамиятида адолат, ҳақиқат ва инсонпарварлик ғоялари устуворлик қилиши лозим. Адолат бор жойда инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлик хурмат қилинади. Президент Ислам Каримов халқимизнинг буюк фазилатлари ҳақида тўхталиб, инсонпарварликнинг ўзбекларга хос қирраларини кўрсатиб беришга эътиборни қаратади. Жумладан, "Инсонпарварлик бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир". Худди мана шу фазилатларимизнинг моҳиятини ёшларга етказиш тарбиявий ишимизнинг диққат марказида бўлиши зарур. Чунки миллий маънавиятимизнинг асосий манбалари ана шунга бориб тақалади. Бугунги ёшларимиз бунинг моҳиятига етиб боришлари зарурдир.

⁵¹ Каримов И.А. Миллий истиклол мафқураси - халқ этикоди ва буюк келажакка ишончдир. - Т.: "Ўзбекистон", 2000, 12-13 бетлар.

Асарда маънавиятни халқимизнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдаги роли ҳам асослаб берилган. Жумладан, Президент И.А.Каримов шундай ёзади: "Халқимизнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш - Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимизнинг қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан етилган"⁵². Маънавиятнинг миллий тараққиётидаги ўрни ва уни ўзлаштириш зарурлиги асарда илмий асосланган: "Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади"⁵³.

Президент И.А.Каримов томонидан илгари сурилган ана шу концептуал ғоялар бугунги кунда миллий маънавиятни ривожлантириш давлат сиёсатида устувор вазифа сифатида белгиланишига хизмат қилиб келмоқда.

Ислом Каримов ўз асарида мамлакатимизда миллий маънавиятни тиклаш ва ривожлантириш давлат сиёсатида устувор вазифа эканлигига эътиборни қаратиб қуйидаги концептуал ғояни илгари суради: "Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак дейдиганлар ҳақ бўлмаса керак. Маънавият - инсоннинг, халқнинг, жамият, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди.."

Президент И.А.Каримов томонидан илгари сурилган бу концептуал ғоянинг назарий ва амалий ахамияти шундаки: биринчидан, бу билан муаллиф собиқ; шўролар даврида маънавиятни ривожлантиришга учинчи даражали омил сифатида қаралишининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий инқирозининг сабабларини ҳам кўрсатиб беради. Иккинчидан, маънавиятни ривожлантирмасдан, шахснинг маънавий

⁵² Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: "Ўзбекистон", 1993, 1-ж,78-б.

⁵³ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: "Ўзбекистон", 1993, 1-ж,78-б.

рухиятини ўзгартирмасдан туриб жамиятда кўзланган мақсадни амалга ошириш мумкин эмаслигини илмий асослаб берди.

Президент И.А.Каримовнинг яна бир муҳим концептуал ғояси маънавият шахс баркамоллигининг энг муҳим мезони, шу билан бирга, уни камолотга элтувчи, ўз-ўзини англлатувчи ва ўз имкониятларини юзага чиқарувчи улкан омил эканлигини илмий асослаганлигидир.

Ислом Каримовнинг миллий-маънавий тикланишга бағишланган концепциясида ватанпарварлик шахс маънавиятининг ажралмас қисми эканлигини асослаб бериш алоҳида ўринни эгаллайди. Ҳақиқатан ҳам ўз Ватанини севмаган, унинг ҳар қарич ери учун масъуллигини ҳис этмаган ҳар бир инсон маънавий жиҳатдан қашшоқ ҳисобланади.

3,2, Маънавият ва маърифийлик фуқаролик жамияти қуриш омили сифатида

Инсон, жамият, ижтимоий гуруҳ, миллат дунёқарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларини ифода этадиган ғоявий билимлар билан қуроллантиришга қаратилган жараён – **мафкуравий тарбия** дейилади. Жамиятдаги ҳар бир ижтимоий куч ёки аҳоли қатламлари ўз манфаат ва мақсад-интилишларини ифода этувчи ғоялар тизимини яратгач, бошқа гуруҳларни ҳам шу ғоялар таъсирига тортишга, ўз тарафдорлари сафини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Ғоялар адолатли ва ҳаққоний бўлиб, кўпчиликнинг талаб-эҳтиёжларига мос келса, бу соҳадаги тарбия воситалари, таъсирчан, тарбиячилар эса фаол ва фидойи бўлса, кўзланган мақсадга эришилади. Жамият, халқ ҳали ўз манфаатларини англаб етмаган, ўз мафкурасини шакллантириб, мақсадлари сари сафарбар бўлмаган ҳолларда бегона ва зарарли ғоялар таъсирига берилиш эҳтимоли ортиб боради. Бу эса ғоявий тарбияни йўлга қўйиш, соғлом мафкура тамойилларини аҳоли қалби ва онгига муттасил сингдиришни долзарб вазифага айлантиради. Ўзбекистон шароитида мафкуравий тарбиянинг асосий вазифалари – халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асосий орзу-истаклари, мақсадларини, миллий истиқлол мафкурасининг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтиришдир, ва айниқса, ёшлар онгига сингдиришдан иборатдир.

Мафкуравий тарбия жамиятда, авваламбор, оила, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, мактаблар, лицей, коллежлар, олий ўқув юртлари, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотларининг биргаликдаги фаолиятини тақозо этади. Узлуксиз таълим тизими мафкуравий тарбияни олиб боровчи асосий бўғиндир, зеро мафкуравий мақсадларни кишилар, айниқса ёшлар онгига сингдириш вазифаси, асосан таълим тизими орқали амалга оширилади.

Мафкуравий тарбия ҳақида гап кетар экан, унинг **мафкуравий профилактика, мафкуравий таъсир тушунчаларининг ўзаро**

алоқадорлигини назардан қочирмаслик лозим. **Мафкуравий профилактика** олдинги мавзуларда таъкидланганидек, ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган турли шаклдаги ғоявий-тарбиявий, маънавий мафкуравий ишлар мажмуи бўлиб, у бутун мафкуравий тарбия тизимини қамраб олади. Хусусан, таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот тизими мафкуравий профилактикани амалга оширишда ёрдам беради. Ўз ўрнида мафкуравий профилактика мафкуравий тарбияни таъминлашда фаол иштирок этади. Бу қисқа таърифдан англаш мумкинки, мафкуравий тарбия ва мафкуравий профилактика тушунчалари бир-бирини тақозо этадиган ва тўлдираётган алоқадорликда бўлиб, ўзаро объект-субъект, субъект-объект муносабатида бўладиган жараён дейиш мумкин.

Мафкуравий таъсир – мафкуравий тарбиянинг энг муҳим хислатларидан биридир. Мафкуравий таъсирсиз (турли хил шакллари, усуллари, воситалари) мафкуравий тарбия ҳақида фикр юритиш табиий равишда мантиқсизликдир. Мафкуравий тарбиянинг самарадорлигини оширишда мафкуравий таъсирнинг объекти ва субъектига қўп нарса боғлиқ. Чунончи, мафкуравий таъсир самарадорлиги мафкуравий таъсир ўтказилиши лозим бўлган кишиларнинг (объект) билим даражаси, маданий савиясига боғлиқ бўлса, ўз навбатида мафкуравий таъсир ўтказётган идоралар, тарбиявий муассасалар, тарғибот ва ташвиқотлар (субъект) амалга ошираётган мафкуравий тадбирлар мазмуни ва шаклига, мафкура ходимларнинг профессионал маҳоратига инсоний фазилатларига, хислатларига боғлиқ бўлади. Демак, айтиш мумкинки, мафкуравий таъсир тушунчаси мафкуравий тарбияни ҳаракатга келтирувчи асосий куч сифатида намоён бўлади.

Бундай ўзаро алоқадорлик мафкуравий тарбиянинг мағзини ташкил этиб, мафкуравий таъсир доирасига тушадиган ҳар бир киши ўша таъсир асосида фаолият кўрсата бошлайди.

Ғоялар – инсон тафаккури маҳсули сифатида ижтимоий характерга эга бўлиб, инсон руҳиятига таъсир этувчи, инсон ва жамиятни муайян ҳаракатга

чорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикрлардир. Аммо ҳар қандай фикр ва қараш ҳам ғоя бўла олмайди. Ғоялар гарчи тафаккурда пайдо бўлса-да, инсон ва жамият руҳиятига, одамнинг ички дунёсигача кириб бориб, уни ҳаракатга келтирувчи мақсад сари етакловчи руҳий-ақлий кучга эга бўлган ижтимоий ҳодисадир.

Мазмун ва намоён бўлиш шаклига қараб, ғояларни бир қанча турларга ажратиш мумкин. Улар: илмий ғоялар, фалсафий ғоялар, диний ғоялар, бадий ғоялар, ижтимоий-сиёсий ғоялар, миллий ғоялар, умуминсоний ғоялар ва ҳоказо.

Айни замонда кўпгина адабиётларда “ғоя”, “мафкура”, “идея” ва “идеология” тушунчалари ишлатилмоқда. Идея ва идеология кўпроқ ғарб давлатларида ҳамда рус тилидаги манбаларда учрайди. Идея ибораси ютилидаги “idea” сўзидан олинган, у идеология сўзининг ўзаги бўлиб ҳисобланади, яъни тушунча ёхуд фикр маъносини англатади. Идеология (“idea” – ғоя, тушунча, “logos” – таълимот) атамаси эса ғоялар тўғрисидаги таълимотни англатади ва икки хил маънода ишлатилади.

1. Ғояларнинг мазмуни – моҳиятини, шаклланиши аҳамияти тўғрисидаги билимларни ифодалайди ва илмий соҳа бўлиб ҳисобланади.

2. Муайян ғояни амалга ошириш, мақсадга етишиш усуллари, воситалари, омиллари тизимини англатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, собиқ Иттифоқ даврида ғоялар дунёси, унинг ўзига хос қонуниятлари, уларнинг жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ўрганувчи алоҳида фан йўқ эди. Ҳатто шу соҳа мутахассисларини, яъни фалсафа бўйича кадрлар тайёрлайдиган университетларда ҳам бу борадаги мавзулар муайян фаннинг асосини ташкил этадиган илмий тизим сифатида ўқитилмасди.

Х У Л О С А

Инсоннинг руҳий уйғоқлиги шахснинг ўзини ўзи англаши ва маърифатлилик даражасига боғлиқдир. Маънавиятли ва маърифатли инсонда ўзининг барча манфаатлари ва эҳтиёжларни қондиришга ва уларни жамият манфаатлари билан уйғунлаштиришга интилиш, бу каби фаолиятни худди ўзининг умри мазмунидек ҳис қилиш руҳияти шаклланади. Албатта, маънавиятли ва маърифатли инсон шаклланиши ўз-ўзидан рўй бермайди. Бунинг учун жамият, давлат, жамоатчиликнинг ҳамкорликдаги кенг ва чуқур сабъ-ҳаракатлари талаб этилади. Шу ўринда Президент И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрлари бу соҳада янги вазифаларга ундайди: “Буюк давлат, буюк келажагимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айти пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган, келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак”⁴⁵.

Шарқ уйғониш даври мутафаккирларининг фикрича, покиза хулқ-атвор, гўзал ахлоқ-одоб, ҳалоллик, илоҳий маърифат - комил инсонлик даражасига етиш манбаидир. Комил инсонларгина миллатнинг ёрқин кўзгуси бўлиши мумкин. Фақат маънавиятли ва маърифатли инсонларгина халқ ва давлат манфаати, равнақи йўлида меҳнат қилишга қодирдирлар.

Ватанимизда яшаган мутафаккирлар - Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абурайхон Беруний, имом Бухорий, имом Мотурудий, Ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Хожа Аҳрор Валий каби мутафаккирлар илмий ва маънавий меросини мустақиллик нуқтаи назаридан ўрганиш халқимиз дунёқарашида миллий ўзини ўзи англаш жараёнларини тезлаштирмоқда.

Маълумки, шўролар даврида мафкура, ғоя ва маърифат тушунчаларининг мазмуни бутунлай ўзгартирилди. Маърифат деганда

⁴⁵ Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998, 162-бет.

марксизм ва ленинизмни ўрганиш, мафкура деганда уларни англаш, ғоя деганда социализм ва коммунизм тўғрисидаги тасаввурларга эга бўлиш кабилар таомилга кирди. Ҳақиқий миллий маърифатли бўлишга интилиш ёки миллий маънавиятни тарғиб қилиш билан шуғулланган зиёлиларга “халқ душмани” тамғаси босилди. Коммунистчасига маърифатли бўлиш деганда, партия ва унинг идеалларига бўйсунуш, ҳар бир шахснинг ўз эркинлигидан кечиши англанди.

Маълумки, эски тоталитар тузумда миллий маънавият, маърифат ва миллий мафкура каби ўзбек халқининг қадриятларини юксалтиришга йўл қўйилмаган эди. Мустақиллик шарофати билан, Президент И.А.Каримов олиб бораётган миллий сиёсат натижасида мамлакатда чоризм мустамлака сиёсати ва коммунистик тазйиқ остида, сунъий равишда ривожланиши тўхтатиб қўйилган миллий-маънавий қадриятлар қайтадан тиклана бошланди. “Маънавият”, “маърифат”, “миллий мафкура”, “ғоя” ва “миллий ғоя” каби миллий қадриятлар миллий манфаатлардан келиб чиқиб талқин этила бошланди.

Мустақилликнинг қисқа 22 йиллик даври ичида Ватанимизда яшаган ва ижод этган мутафаккирларнинг азиз номлари тикланди ва уларнинг асарлари қайтадан оммавий равишда нашр этила бошланди. Уларнинг жаҳон цивилизацияси ва миллий маънавиятимиздаги ўрни ўзига муносиб жойларни эгаллади. Албатта, ҳозирги фуқаролик жамияти куриш ислохотларни янада чуқурлаштиришда маънавий-мафкуравий омилларга муҳим аҳамият берилади, улардан янги жамият куриш жараёнларидан кенг ва унумли фойдаланилади. Бу ҳолат биз қураётган жамиятни нафақат умуминсоний қадриятлар, балки, миллий-маънавий омиллар асосида шаклланишини англатади.

Президент И.А.Каримов иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини

шакллантиришнинг асосий йўналишлари” маърузасида ислохотларнинг бош йўналишини ва самарадорлигини белгилаб берадиган қуйидаги устувор вазифани белгилаб берди: “Фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат. Бу ҳаётий ҳақиқат биз ҳамisha амал қиладиган тамойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак”⁴⁶.

Маънавият инсон руҳиятида воқе бўлади. Шунинг учун у аввало, алоҳида олинган инсон билан боғлиқ тушунча. Аммо инсон жамиятдан ажралмас бўлиб, жамиятдан ташқарида ўз инсонлик моҳиятини йўқотар экан, маънавият инсонни ўзга одамларга, жамиятга, бутун борлиққа дахлдор қилади. Шу жиҳатдан маънавият ижтимоий мазмун касб этади. “Инсон ўзини халқнинг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади”⁴⁷. Демак ҳар бир киши ўзининг яшаш тарзига, ўзгалар билан бўлган муносабатига жиддий эътиборни қаратмасдан туриб жамият биронта муаммони ҳал этиши мушкул.

“Инсоният тарихи - ғоялар тарихидир”. Зеро, яшаш маконида одамларни ғоя бирлаштиради. Халқнинг маълум ғоя атрофида бирлашиши даражаси эса жамиятни янгилаш ўз умрини яшаб бўлган ақидаларни, анъаналарни инкор эта олиш кучини белгилайди. Ғоя бутун жамият аъзоларининг онгига чуқур сингиб, миллий ғояга айлансагина у катта, таъбир жоиз бўлса, моддий кучга айланади. Айни шундай шароитда жамият ҳаётида жиддий силжишлар, ўзгаришлар даври бошланади. Зеро, ғоя халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи умуммақсадни ўзида ифода этади.

⁴⁶Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.-Т.: “Ўзбекистон”, 2003, 80-бет.

⁴⁷ Ўша жойда, 81-бет.

Аммо, ёддан чиқармаслик керакки, бутун инсоният тарихида ҳамиша икки куч - бунёдкорлик ва бузғунчилик ғоялари ўртасида кураш кечган. Жамият бунёдкор ғояларга таянганда, давлатлар тараққиёт сари йўл олган, эл-юрт тинч, фаровон ҳаёт кечирган. Ва аксинча, бузғунчи, ёвуз ғоялар эса халқлар бошига оғир кулфатлар келтирган. Биргина XX аср тарихига назар ташланса, ҳали инсоният хотирасидан ўчмаган, сўнгсиз балоларни келтирган фашизм, большевизм, ақидапарастлик каби ғайриинсоний ғоя ва мафкураларнинг дунё тараққиётини нақадар ортга суриб юборганини гувоҳи бўламиз.

Ана шу буюк мураббий – тарихнинг ибратли хулосалари ва аччиқ сабоқларига таянган ҳолда Президент И.Каримов Ўзбекистон жамиятининг “Миллий истиқлол мафкураси халқимизга хос бўлган энг муқаддас туйғу ва тушунчаларнинг мужассам ифодаси бўлиши керак”⁴⁸, – деб таъкидлади. Бунинг учун миллий мафкура сунъий ҳосил қилиниши эмас, халқнинг асрлар синовидан ўтган миллий маънавияти сарчашмаларидан, бунёдкорлик ғоялардан озиқ олиши керак.

2000 йил 6 апрель куни Оқсарой қароргоҳида зиёлилар билан суҳбат асносида Президент бу ҳақда мукамал фикрни куйидагича ифода этди: “Миллий мафкурамиз халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига, бир сўз билан айтганда, ўз миллий қадриятларимиз, шу билан бирга, замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озиқланган, уларни ўзига қамраб олган ҳолда, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати, унинг фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркор”⁴⁹.

Бугунги кунда ҳар қандай миллий тикланиш ва миллий ривожланишнинг асоси бўлган маънавий мерос, урф-одатлар, анъаналар, юксак қадриятлар, тарихий хотира халқимизга қайтарилди. Миллий

⁴⁸ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2000, 502-бет.

⁴⁹ Ўша жойда, 466-бет.

Ўзлигини, ҳуқуқларини тобора теранроқ англаб бораётган халқимиз учун буюк келажакни барпо этиш йўлида бу бой имкониятлардан фойдаланиш, барча моддий ва маънавий бойликларни миллий ривожланишга, Ўзбекистонда демократик-ҳуқуқий жамият куриш ишига йўналтиришга сафарбар этишдек улкан имкониятлар яратилди.

Президент И.А.Каримовнинг асарларида миллий мафкура ва маънавиятга доир илгари сурилган концептуал ғоялар асосан қуйидаги йўналишлардан иборатдир:

1.Маънавий мерос ва қадриятларни ўзлаштириш миллатнинг ўз – ўзини англашига эришиш, миллий ғурур рва ифтихор туйғуларини мустаҳкамлаш.

2.Мустақиллик шароитида миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантириш ва уни халқимиз дунёкарашига айлантириш.

3.Таълим тизимини ислоҳ қилиш, кадрлар тайерлашнинг миллий дастурини амалга ошириш асосида баркамол авлодни шакллантириш.

4.Миллий– маънавий салоҳиятимизнинг жаҳон цивилизациясидаги ўрнини тиклаш ва бугунги кунда маънавият, маърифат, фан, техника, технология ютуқларини чуқур ўзлаштириш асосида ҳозирги замон умумжаҳон маънавияти тизими ривожига ҳисса қўшиш.

5.Ёшлар маънавиятини миллий истиқлол ғоялари билан бойитиб бориш, улар онгида мафкуравий иммунитетни кучайтириш.

6.Инсониятнинг асрлар давомида яратган барча бойликларини миллий – маънавий салоҳиятнинг ажралмас қисмига айлантириш

Президент И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган миллий–маънавий янгиланиш концепциясининг назарий ва методологик жиҳатлардан муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Уларнинг аҳамияти асосан қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, концепция собиқ шўроларнинг тоталитар тузуми шароитида бой миллий – маънавий маъданиятимизнинг инқирозга юз тутганлиги ва унинг сабабларини тушунишга;

Иккинчидан, миллий–маънавий тикланишнинг мохиятини, «маънавият» тушунчаси, унинг шахс, миллат камолоти, давлат ва жамият тарраққиётидаги ўрнини билиб олишга, уни ривожлантириш учун меросимизни чуқур ўзлаштириш, тинмай изланиш, маърифат, фан, техника ва технология ютуқларини сабот билан ўзлаштириш ҳамда Президентимизнинг бугунги тарраққиётимизни таъминлайдиган «куч – билим ва тафаккурда» - деган илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган концептуал ғоясига изчиллик билан амал қилишимиз;

Учинчидан, миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва ислохотларни амалга ошириш жараенида миллий – маънавий тикланишимиз олдида турган вазифалар кўламини билиб олишга ва уни амалга оширишда умуммиллий сафарбарлик ҳаракатини авж олдиришда фидоийлик кўрсатиш зарурлиги;

Тўртинчидан, талаба ёшларнинг миллий–маънавий тикланиш борасида улар олдида турган вазифаларни билиб олишга, миллий ғурур, ифтихор, фидоийлик, ватанпарварлик, инсонийлик каби олий жаноб фазилатларни шакллантириш – мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва тарраққиётимизнинг асосий шарти эканлигини тушуниб етиш;

Бешиинчидан, миллий истиқлол ғоясининг маъно ва мазмунини чуқур англашимизга мустақилликни мустаҳкамлаш жараенида маънавий янгиланишимиз борасидаги стратегик вазифаларимизнинг асосий йўналишларини ва кўламини чуқур билиб олишимиз ҳамда уларни амалга оширишди фидоийлик кўрсатишимизнинг аҳамиятини тушуниб етишимиз зарурлиги кабилардир.

Юқорилардан кўришиб турибдики, Президент И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқарилган миллий-маънавий тикланиш илмий–назарий концепцияси жуда ҳам улкан назарий методологик ва амалий аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистонда жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда миллий маънавият ва миллий ғоянинг ўрни ва аҳамиятини ошиб боришини эътиборга олган ҳолда тадқиқот натижалари асосида қуйидаги таклифларни билдирамиз:

1. Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ҳамда ислоҳ этиш шароитида миллий истиқлол ғоясининг халқимизни бирлаштирувчи, жипслаштирувчи ва сафарбар этувчилик йўли янада ортди. Шундан келиб чиққан ҳолда, тарғибот ва ташвиқот ишлари самарадорлигинини оширишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини янада жонлантириш лозим.

2. “Миллий ғоя концепцияси”, биринчи навбатда, олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги ўқув юртлари, коллеж ва лицейлар ўқув режаларида устуворлик касб этиши давр талабидир.

3. “Миллий истиқлол ғоя” ва “Маънавият асослари” фанларини ўқитиш жараёнида узлуксиз таълим-тарбия тизимининг асосий бўғинларидан ҳисобланган умумий ўрта таълим босқичида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг ёш хусусиятларини эътиборга олиш зарур.

4. Сиёсий партиялар ва бошқа нодавлат ташкилотлар дастурларида миллий маънавият ва миллий ғояни фуқаролар онгига сингдиришга доир алоҳида мақсад-вазифаларни ишлаб чиқишлари зарур.

5. Қишлоқ, овул ва маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида миллий ғояни самарали тарғибот-ташвиқот этишга оид маънавий-маърифий дастурларни ишлаб чиқиш, бу соҳага доир турли рисола, услубий ишланмаларни яратиш мақсадга мувофиқдир.

6. Миллий ғояни англаш, уни фуқаролар онги ва қалбига сингдириш билан боғлиқ ташвиқот-тарғибот ишларини олиб бориш на фақат ёш авлод билан фаолият олиб бораётган таълим тизимидаги идоралар, балки жамиятдаги барча фуқароларнинг, жамият институтлари ва давлат органларининг ватанпарварлик бурчларига айланиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

I. Раҳбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - 364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т. 2. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - 380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - 366 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан Т. 4. - Т.: Ўзбекистон, - 349 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т. 5. - Т.: Ўзбекистон, 1997. - 384 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. - Т.: Ўзбекистон, 1998. - 429 б.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - 413 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз Т. 8. - Т.: Ўзбекистон, - 525 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. -Т.: Ўзбекистон, 2001.-439 б.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10.-Т.: Ўзбекистон, 2002. - 432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11 -Т.: Ўзбекистон, 2003. -320 б.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.:Ўзбекистон, 1997.-326 б.
13. Каримов И. А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари // Халқ сўзи. 2002. 30 авг.
14. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари.-Т.:Ўзбекистон, 1995.-74 б.
15. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.:Ўзбекистон,1999.-48 б.
16. Каримов И.А. Адолат қонун устуворлигида //Ўзбекистон овози.2001. 6 дек.
17. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ еттинчи сессиясидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2001. 7 дек.
18. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч - қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. -Т.: Ўзбекистон, 2004. -400 б.
19. Каримов И.А.Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13 -Т: Ўзбекистон, 2005.

20. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: Ўзбекистон, 2005. – 966 б.

21. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. Т.: Ўзбекистон, 2006.

22. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15.- Т: Ўзбекистон, 2007. -320 б.

23. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. - Т.: Ўзбекистон, 2008. -368 б.

24. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма – босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. // Ватанпарвар, 2008 й. 12 дек.

25. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. // Халқ сўзи. 2009 й. 14 фев.

26. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон. 2009.-25 б.

27.

28.

II. Норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар

1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т. :Ўзбекистон, 2008.- 40 б.

3 “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 авг. Қарори // Ўзбе-кистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. №9. 227-модда. 21-34 б.

4.“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1997 йил 30 авг. қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. №11- 12. 295-модда. 3-30 б.

5.“Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 12 сент. Фармони // Халқ сўзи. 1992 й. 12 сент.

6.“Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасига маблағ ажратиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 й. 8 окт. Фармони. // Халқ сўзи. 1992. 8 окт.

8.“Республика “Маҳалла” хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

1992 йил 17 окт. №480-сонли Қарори // Халқ сўзи.1992 й. 17 окт.

9.“Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 1993 йил 6 май қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993. №5. 202-модда. 12-21 б.

10.“Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси 2004 й. 29 апр.қонуни. Т.2004 й.

11.“Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни // Халқ сўзи. 2003 й. 31 окт.

12.“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси 1993 й. 2 сент.

13.қонуни, 1997 йил 30 авг. 1998 йил 25 дек. ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993 й. № 9. 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997.№9. 241-модда. 161-174 б; 1999 й. №1. 20-модда.115-129 б.

14.“Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 дек. № 583- қарори // Халқ сўзи. 1993 й. 4 дек.

15. “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 май қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1994. №5. 127- модда. 47-49 б.

16. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 й. 23 апр. Фармони // Халқ сўзи. 1998 й.24 апр.

17 .“Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, ма ҳрака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишни тартибга солиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 й.28 окт. Фармони // Халқ сўзи. 1998 й. 29 окт.

18“Жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссиялар, “Маҳалла посбони” жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги Яраштириш комиссиялари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1999 йил 14 апр. Қарори // Халқ сўзи. 1999 й. 15 апр.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг № 70 - Қарори “Обод маҳалла йили” тўғрисида // Халқ сўзи. 2003 й. 7 фев.

20. Европейская Хартия о местном самоуправлении // Ведомости Моссовета. 1991 г. №3. 62-64 с.

III. Махсус адабиётлар

- 22 Азизхўжаев А.А. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. Т.: Ўзбекистон, 2008. -692 б..
- 23 Бойдадаев М. Фуқаролик жамияти ва давлат бошқарувининг долзарб муаммолари. - Т.: ТДЮИ, 2003. - 52 б.
- 24 Жалилов Ш.И. Кучли давлатдан - кучли жамият сари: тажриба, таҳлил, амалиёт. -Т.: Ўзбекистон, 2001. -160 б.
- 25 Жалилов Ш.И. Ўзбекистон Республикасининг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи. -Т. ЎЗМУ, Ворис-Нашриёт, 2007.-316 б.
- 26 Жалилов Ш.И. Фуқаролик жамиятининг пойдевори. -Т.: Ўзбекистон, 2003.-208 б.
- 27 Жалилов Ш.И., Ўразаев Т.А. Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этишининг ҳуқуқий асослари. Т.: ЎЗМУ, 2006.
- 28 Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. (илмий таҳлилий мақолалар тўплами). Т.,2003, -364 б.
- 29 Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Президент Ислон Каримов тарафдорининг танқидий мулоҳазалари.Т.: Ўзбекистон, 2001.-367б.
- 30 Муқимов З.Давлат ва ҳуқуқ назарияси муаммолари.СамДУ.2003.-157 б.
- 31 Форобий А. Н. Фозил одамлар шаҳри.-Т.: Халқ мероси, 2012. -224 б.
- 32 Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамияти. – Т.: Шарқ, 2003., 512 б.
- 33 Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти : назария ва хорижий тажриба. Т. Янги аср авлоди, 2006.-203 б.
- 34 Ғуломов М. Маҳалла - фуқаролик жамиятининг асоси. -Т.: Адолат, 2003. -352 б.

IV. Мақолалар

1. Бобожонов Р. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ривожланиш босқичлари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари.2001.№1. 22-24 б.
2. Бўриев О. Қишлоқ жамоаларини бошқариш анъаналари // Ҳаёт ва қонун. 2000. №2. 77-81 б.
3. Гадейбоев А. Обод маҳалла – адолатли, демократик жамият таянчи.// Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2003 й.
4. Исмоилов Н.М. Кучли давлатдан кучли жамият сари: Ўзбек қонунчилиги асослари // Ҳаёт ва қонун. 2001 . №4. 5-6 б.
5. Мавлонов Ж. Ҳозирги замон фуқаролик жамияти. Жамият ва бошқарув . 2008. 68-70 б.
6. Маликова Г. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш моҳияти // Жамият ва бошқарув, 2001. №1. 64 – 66 б. -28 б.

7. Маҳмудбеков Ш. Маҳалла ёки ўзини ўзи бошқариш органларини бугунги кунда фаолиятининг асосий тамойиллари ва йўналишлари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2001. №1. 17-22 б.
8. Мўминов С. Бевозта маҳалла // Фидокор. 2002 й. 4 фев.
9. Раҳмонов Р. Истиқлол ва маҳалла // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқ-лари. 2001. №1. 4-11 б.
10. Саидов А.Х. Фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида. // Халқ сўзи. 2002 й. 11 сент.
11. Саидов А.Х. Маҳалла умумий уйимиз. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқ-лари, 2003. №1. 7-9 б.
12. Саидов А.Х. Маҳалла ва ўзини ўзи бошқариш органлари: эркинлаштириш ва замонавийлаштириш // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2001. №1. 11-17 б.
13. Саидов А., Раҳмонов Р. Обод, эркин маҳалла - адолатли, халқчил жамият таянчи // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2003. №3. 386
14. Саидова Х. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқининг долзарб муаммолари. // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2007. №2. 15-20 б.
15. Сувонқулов М. Ниёзов А. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақоми // Қонун ҳимоясида, 5(77), 2002. 13-16 б.
16. Сувонқулов Ж.А. Конституцияни ўрганиш – давр талаби. // Конституция – демократик сайловлар кафолати. Юриспруденция йўналишидаги магистрант ва бакалавр талабаларнинг илмий - амалий анжумани материаллари. Т.: ЎзМУ, ҳуқуқшунослик факультети. 2008.- 161 б.
17. Сувонқулов Ж.А. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш – фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омили сифатида. // Ёшларга оид қонунчиликни такомиллаштириш масалалари. ЎзМУ нинг 90 йиллигига бағишланган ҳуқуқшунослик факультети профессор ўқитувчилари, магистрант ва бакалавр талабаларнинг илмий-назарий анжумани материаллари. Т.: ЎзМУ, 2008 й. апрел ғ. - 282 б.
18. Сувонқулов Ж.А. Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайловининг конституциявий асослари. // Республика талабалари ва магистрларининг илмий – назарий анжумани мақолалари тўплами. Т.: ЎзМУ, 2008 й. 5-6 дек. - 312 б.
19. Умарова Г. Ўзини ўзи бошқариш органлари: шаклланиш тарихи, тажриба ва муаммолар // Жамият ва бошқарув, 2002, №1. 72-74 б.
20. Умарова Г. Маҳалла – ижтимоий бошқарув органи. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 2007. №2-3. - 78-83 б.
21. Чоршанбиев Ж. Фуқаролик жамияти шаклланишида жамоатчилик назоратининг аҳамияти. // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2008. №2. -14-16 б.
22. Қирғизбоев М. Ўзини ўзи бошқариш: асосий тушунчалар, хорижий тажрибалар ва амалиёт // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари.-2001.-№1.- Б.30-37.
23. Қирғизбоев М. Ўзини ўзи бошқариш органлари – фуқаролик жамияти асоси. // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2003. №1. 32-34 б.

24. Қурбонов О. ХХИ аср маҳалласи: Муаммо ва ечимлар // Демократлаш-тириш ва инсон ҳуқуқлари. 2001. №1. 24-28 б.

Диссертациялар ва авторефератлар

1. Исмаилова Г.С. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолиятининг ташкилий - ҳуқуқий муаммолари. Юрид.фан номзоди... дисс. -Т., 2005.-174 б.
2. Маликова Г.Р. Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг айрим вазифа ва ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўтказиш (ҳуқуқий, ташкилий масалалар) .Ю.ф.номзоди... дисс. автореф.-Т.2004. -24 б.
3. Сувонқулов М. И. Ўзбекистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи фаолиятининг назарий-ҳуқуқий масалалари: Юрид. фан. номзоди ... дис. автореф. -Т., 2002. -24 б.
4. Умарова Г.Б. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органининг шаклланиши ва такомиллаштириш тарихи. Тарих фан. номзоди... дисс. Т. 2003, -164 б.
5. Қирғизбоев М. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши. Сиёсий фан. докт. Илмий дараж. олиш учун дисс.-Т.,2007.-342 б.

Интернет сайт ва газеталар

- | | |
|--|---|
| 1. www. Ziyonet.uz | 6. www. Olam. Uz |
| 2. www. edu.uz www. | 7. Andijonnoma@Inbox.Uz |
| 3. www. mahalla.Uz | 8. www.UzA |
| 4. www. LexUz | 9. www.XS.Uz |
| 5. www. Kitob.Uz | 10. www.Uzedu.uz |